O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MAJLIS PALATASI INV.№

Ушбу сонда:

2 БАҲОНА – ЧОРА ЭМАС!
ёхуд ҳуқуқшунос кадрлар тақчиллигини бартараф этиш хусусида айрим мулоҳазалар

3 ВАСИЯТНОМА НИМА?

4 ҚАРОВСИЗ МАКТАБ

JIMMY CARTER: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КУРАШЧИСИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 13 (320)
2003 йил
1 АПРЕЛ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Мурожаатларда фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга шахсий имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 6-МОДДА

Sharh

ОГОҲЛИК ЗАРУРАТИ

Икки ҳафтадан буён дунё аҳли АҚШ етакчилигидаги халқаро коалициянинг Ироқни қуролсизлантириш мақсадида олиб бораётган ҳарбий амалиётларини диққат билан кузатиб бормоқда. Шу ўринда Ироқда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан тезкорлик билан хабардор бўлиш истаги ва эҳтиёжи телевизор кўриш, радио мурувватини бураш ёки газета мутолаа қилиш ҳисобига қаноатлантирилаётганини таъкидлаш жоиз.

Бироқ ана шу "хабарчилар" воқеликка холис ёндашаяпди, кимларнингдир ғаразли манфаатга хизмат қилмаяпти, деб бўлмайди. Шу маънода, Ироқда ҳарбий амалиётлар бошланиши билан дунёда яна бир кураш майдони юзага келди десак, асло хато эмас. Чунки Ироқ теварагидаги вазият кескинлашгач, худди Афғон тупроғида аксилтеррор амалиётлар бошланган пайтда бўлгани каби оммавий ахборот воситалари хизматига эҳтиёж сезиларли даражада кучайди. Бу табиий ҳол, албатта. Зеро, дунёда туб ўзгаришлар кечаётган бир паллада ким ҳам янгиликлардан хабардор бўлишни истамайди, дейсиз.

Ана шу талабдан келиб чиқиб, оммавий ахборот воситалари ўз ўқувчиларига эндигина "тандирдан узилган" янгиликларни етказишга, қолаверса, сенсацияли ахборотлар тарқатиш орқали ўз аудиториясини кенгайтириш пайига тушди. Шу тариқа, таъбир жоиз бўлса, антитеррор амалиётлари билан бир вақтда улар ўртасида ҳам кураш бошланди. Бир қарашда бу ҳолнинг бирор ёмон томони йўқдек туюлади. Бироқ аслида эса айрим журналистларнинг хатти-ҳаракатлари ҳар қандай кишида шубҳа уйғотиши тайин. Зеро, Ироқда содир бўлаётган воқеалар улар томонидан бузиб талқин этилмоқда. Хусусан, халқаро коалициянинг ҳаракатини босқинчилик деб, оммавий қирғин қуролларини қўлида сақлаб турган ёвуз Саддам Ҳусайнни қаҳрамон сифатида баҳолаши айрим ахборот тарқатувчиларнинг мақсад-муддаоси холис эмаслигини кўрсатади. Шу ўринда бир пайтлар Афғонистонда халқаро террорчиликка қарши олиб борилган кураш ҳам шу тарзда бузиб талқин этилганини эслатиб ўтиш зарур. Зотан, бугун Афғонистон тупроғида юзага келган тинчлик ва осойишталикдан нафақат жафокаш афғон халқи, балки унинг қўни-қўшнилари, бутун дунё баҳраманд бўлмоқда. Энг муҳими, ўша пайтда Афғонистонда амалга оширилган аксилтеррор кураш ҳақида тарқатилган турли хил миш-мишларнинг асоссиз эканини ҳаётнинг ўзи исботлади. Бу фикрни Ироқда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Чунки БМТ Хавфсизлик Кенгаши 12 йилдан буён Ироқни қуролсизлантиришга уринади. Бу борада 15 дан зиёд резолюциялар қабул қилинди. Лекин буларнинг бари бесамар кетди. Халқаро ҳамжамиятнинг дунёда тинчликни таъминлаш йўлидаги ана шу ҳаракатларидан кўз юмиб, Ироқдаги воқеаларни нотўғри талқин этишни қандай тушуниш мумкин? Демак, бундан манфаатдор кучлар мавжуд. Шунинг учун улар бузғунчи ахборотлар хуружини авж олдирмоқда.

Шу боис бундай хуружларга қарши қатъий равишда курашишимиз лозим. Бу борада энг тўғри йўл, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ғаразли мақсадда қилинаётган ахборот хуружлари, уйдирма ва миш-мишларга берилмасдан, содир бўлаётган воқеаларга очиқ кўз билан қараш-дан иборатдир. Бу эса, ҳар бир кишидан огоҳ бўлишни тақозо этади. Бинобарин, ҳозирги пайтда огоҳлик ҳаётий заруратга айланди.

Холли НОРБОЙ

Истиқлол йилларида халқимизнинг яратувчилик салоҳияти ва бунёдкорлиги том маънода эъзоз топди. Хусусан, миллий ҳунармандчилик, тадбиркорлик ва фермерликка кенг йўл очилди. Буни биргина Президент соврини учун ўтказилаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик танловлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, ушбу танлов кейинги йилларда ишбилармон инсонларни рағбатлантиришнинг ўзига хос мезони бўлиб қолди. Юртимиз баҳор гулларига бурканган чоғларда ўтказилаётган бу кўрик танловлар тадбиркорлар учун ҳамкорлик ва тажриба мактаби вазифасини ҳам ўтамоқда. Ўтган ҳафта пойтахтимизнинг муҳташам "Ўзкўргазмасавдо" биносида танловнинг бу йилги ғолиблари аниқланди ва уларга Президент соврини — "Матиз" автомобиллари топширилди.

O'ZBEKISTON ва дунё
кеча, бугун, эртага

☑ *Шу йилнинг 4-5 май кунлари пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)нинг 12 йиллик йиғилиши ва унинг доирасида Бизнес анжуман бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли анжуманнинг тезкор ва муносиб тарзда ёритилишини таъминлаш мақсадида доимий ишловчи Матбуот маркази ташкил этилди.*

☑ *Пойтахтимиздаги Бизнес марказда "Япония-да солиқ тизими" мавзуида халқаро семинар иш бошлади.*

☑ *Тошкентдаги "Ўзкўргазмасавдо" марказида мамлакатимиз Президенти совринлари учун республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.*

☑ *Давлат божхона қўмитасида Хитой Халқ Республикаси Давлат бош божхона бошқармаси бошқаруви аъзоси Е.Цзянь раҳбарлигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.*

☑ *Навоий туманида "Обод маҳалла йили Давлат дастури ва огоҳликка даъват" мавзусида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш Навоий вилояти адлия бошқармаси ва прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари иштирок этдилар.*

"ИНСОН ва ҚОНУН"га

ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг 2003 йил 25 март сонида чоп этилган "Йўқолган тақдимнома" сарлавҳали мақола туман ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди.

Ҳақиқатдан ҳам, вилоят адлия бошқармасининг тақдимномаси ҳокимлик умумий бўлими мудири Ф.Ибрагимов, ижрони назорат қилиш гуруҳи раҳбари Х.Назарова ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ходими А.Йўлдошевнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қарагани оқибатида асоссиз равишда туман ер ресурслари бўлимида 15 кун давомида ижросини топмай турган.

Ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қарагани учун туман ҳокимлигининг умумий бўлими мудири Ф.Ибрагимовга, ижрони назорат қилиш гуруҳи раҳбари Х.Назаровга ҳайфсан эълон қилинди. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Д.Тешабоев, иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Б.Зуфаровлар туман ҳокимининг 2003 йил 26 мартдаги 18-сонли фармойиши билан огоҳлантирилди.

Туман ер ресурслари бўлимининг ходими И.Муҳаммадқуловнинг ўз вазифасига лойиқлигини кўриб чиқиш масаласи туман ер ресурслари бошлиғи Ж.Худойберганов зиммасига юклатилди.

Туман ҳокимлиги ва унинг бўлимлари, корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларига ижро интизомига риоя этиш масалаларига эътиборни янада кучайтириш вазифаси юклатилди.

У. АБДУРАҲИМОВ,
Чиноз тумани ҳокими

ШИКОЯТ ҚИЛАДИЛАР

1996-98 йиллар мобайнида оилавий пудрат ва деҳқон хўжалиги сифатида "Дўстлик" ширкат хўжалиги ҳудудидаги 25 гектар ерда деҳқончилик қилдик. Уч йил давомида юқори ҳосил олиб, шартномада белгиланган режани ортиғи билан бажарган бўлсак-да, топширган маҳсулотларимизга ҳақ ололмадик. Бунинг устига 1999 йилда турли баҳоналар билан "Каромат" деҳқон хўжалигимизни аттестациядан ўтказишмади.

Меҳнат ҳақимизни оламиз деб турли идораларга қатнаб юрганимизда ширкат хўжалиги ҳеч бир сабабсиз еримизни тортиб олди.

Энг қизиғи шундаки, ҳали деҳқон хўжалигимизнинг расман ёпилиб кетганини ҳам аниқ билмаймиз. Чунки банкдаги ҳисоб рақамимиз очиқ, мухр қўлимизда.

Бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида Андижон вилоят хўжалик судига мурожаат қилдик. Суд даъво аризамизни кўриб чиқиб, уни асосли деб топди ва ер майдонимизни қайтариш ҳамда фермер хўжалик сифатида эътироф этиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди. Бироқ суд қарори ҳанузгача ижро этилмаяпди. Бу томонда эса туман солиқ инспекцияси 25 гектар ер учун солиқ тўла, деб қисталанг қилаяпди. Ердан бошқалар фойдаланса-ю солиғини биз тўласак, бу қайси мантиққа тўғри келади? Бу ҳолни мутасаддилар қандай изоҳлашар экан? Илтимос, бу борада ёрдам беринглар.

Каромат СОДИҚОВА,
Улуғнор туманидаги "Каромат" деҳқон хўжалиги раҳбари

"МАЪНАВИЙ ЗАРАРДАН ВОЗ КЕЧАМАН!"

– дейиш ҳам қонун талабини бузишга олиб келиши мумкин

Андиша, юз-хотир қилиш, ўзганинг юзига тик қараб гапирмаслик халқимизга хос фазилат саналади. Албатта, бу фазилатлар одамлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, ҳурмат-эътиборни сақлашга хизмат қилади. Аммо ҳамма нарсани меъёри бўлгани сингари баъзан ноўрин андишага бориш, юз-хотир қилиш одамнинг ўзига, гоҳида эса қонун талабларининг бузилишига ҳам олиб келиши мумкин. Қуйида ана шу ҳақда фикр-мулоҳаза юритамиз.

Баъзан фуқаролар қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб, энг охирида тоқатлари тоқ бўлгач, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларга мурожаат этишади. Бунинг устига улар ўз аризаларида идорамаидора қатнайвериб, сарсон-саргардор бўлишгани ва каттагина зарар кўришганини баён этишади. Шундан келиб чиқиб, шикоят хатига илова қилиб, маънавий зарар миқдорини ҳам кўрсатишади.

Хўш, маънавий зарарнинг ўзи нима? У қандай келиб чиқади?

Аввало ана шу ҳақда икки оғиз сўз.

Фуқаролик Кодексининг 1021-моддасида **"Маънавий зарарни қоплаш"**нинг умумий қоидаларида қуйидагича таъриф берилган: **"Маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда зарар етказувчи томонидан қопланади".** Мазкур модданинг иккинчи қисмида маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қайси ҳолларда қопланиши қайд этиб ўтилган. Жумладан, зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига очиқча хавф манбаи томонидан етказилса ва қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, жавобгарликка тортиш, тилхатда ушлаб туриш ҳамда ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик, обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда у, албатта, қопланиши шарт.

Маънавий зарар тушунчаси фуқароларни турли хил бюрократик ҳолатлардан ҳимоя қилиш, ортиқча сансоларлик ва қонунга хилоф ҳаракатларнинг олдини олишни кўзда тутади.

Шу ўринда иккинчи бир савол туғилади: **хўш, маънавий зарар миқдори қандай ўлчаланади?**

Фуқаролик Кодексининг 1022-моддасида маънавий зарар пул билан қопланиши қайд этилган. Уни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб, суд томонидан аниқланади. Бундан ташқари бу азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда суд томонидан баҳоланади.

Huquq va burch

Фуқаролик Кодексининг юқорида тилга олинган моддасида, **маънавий зарар тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар қопланади,** дея таъкидланади.

Албатта, амалдаги қонунларимизда маънавий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий асослари тўла ечимини топган. Шу ўринда иккинчи бир табиий савол туғилади: **хўш, қонун талаби ҳаётда ўз ифодасини қандай топмоқда?**

Бу саволга бевосита ҳаётий мисоллардан келиб чиқиб жавоб бersак, мақсадга мувофиқ бўлади. Сирдарё туманидаги "Истиқлол" ширкат хўжалигида яшовчи М.Мелибоев оила пудрати асосида ўзи ишлаб келган 40 гектар ер майдонини олиб, туман ҳокимининг 2000 йил 22 мартдаги қарорига кўра "Бешарик" фермер хўжалигини ташкил этади. Ўша йили барча режалар бажарилиб, 900 минг сўм фойда олинади.

(Давоми иккинчи бетда)

Dakki

НОМ ТАНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Яқинда қўлимга ҳуқуқий йўналишда чоп этилаётган газеталардан бири тушиб қолди. Унинг номи остига ёзилган "криминал газета" деган "ёрлиқ"ни ўқиб, ҳайратдан ёқа ушладим: ё, тавба, жиноятчи газета ҳам бўладими?

Ахир, "криминал" атамасининг таржимаси шундай маънони англатмайдими? Ёки жиноятчиликка ихтисослашган газета дейишмоқчими?

Дарвоқе, кейинги пайтларда мамлакатимизда чоп этилаётган янгидан-янги газеталарнинг номланиши ҳам кишини ўйлантириб қўяди: "Чимилдиқ", "Оила сирлари", "Муҳаббат манзили"... Бундай антиқа номларни ўқиб, матбуотда сўз масъулиятини суиистеъмол қилмаяпмизми, деган мулоҳазага борасан, киши. Зеро, "тўлиқ таъминланди" деган гапни "тўла (!) таъминланди" деб ёзаётган мухбирлар жиллақурса газетанинг номланишига сал эътибор қаратишса, яхши бўлармиди... Ҳар қалай, қанча машаққат эвазига дунёга келган газетага маъноли ва чиройли ном қўйган маъқулда.

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?!.

Дилноз МУРТАЗОЕВА

ПОСАНГИ БАРАВАР БЎЛДИ

ёки бир шартнома атрофидаги тортишув адолатли ечим топди

Bugunning gapi

Қорасув шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Истиқлол" кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси билан "Заминбанк"нинг Андижон вилояти филиали ўртасида 2001 йилнинг 5 октябр куни 50 миллион сўм кредит олиш тўғрисида шартнома имзоланган эди.

Бироқ банк тадбиркорга берган ваъдасини бажармади, яъни шартномада қайд этилган кредитни ажратиб бермади. Бу масала юзасидан даъвогарнинг фикри:

— Дарёнинг бўйига бориб, сув ичмасдан қайтиб келган кимса сингари оғзимизни очиб қолавердик, — дейди "Истиқлол" фирмаси раҳбари Я.Мўйдинов. — **Банкдан кредит маблағи олиш мақсадида ҳужжатлар тайёрлаб, кўчмас мулкни гаровга қўйдик, кредитнинг гаров билан қопланмаган қисмини суғурта қилдирдик. Шунча оворагарчилик, харажатлардан сўнг банк шартнома мажбуриятини бажармади. Ана шунинг оқибатида бизнес режамиз ҳам амалга ошмай қолди. Шунинг учун банк менга етказилган зарар миқдорини тўлаши лозим.**

Дарҳақиқат, фирма кредит олиш мақсадида 615625 сўм пул сарфлаган. Лекин ушбу банкдан кредит ололмаган тадбиркор фирма ҳисоб рақамини "Халқ банки"га кўчириб ўтказган ва у ердан 30 миллион сўм кредит маблағ олди.

Бу низоли ишни ҳуқуқшунос Абдурашид Абдуқаҳоров шундай шарҳлайди:

— Банк томонидан шартнома шарти бажарилмагани учун "хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддасига асосан фирмага тўланмаган 50 миллион сўм кредит маблағининг 15 фоизи миқдорида 7 миллион 500 минг сўм жарима, кредит шартномасининг 4,1-бандифаза қилиш вазирлиги "Истиқлол" фирмасига 50 миллион сўм кредит маблағини молиялаштириш мақсадга мувофиқ эмаслигини билдиргандан сўнг бу ҳақда фирмага маълум қилганмиз. Банкимиз ўз ҳисобидан кредит беришни кафолатлаган эмас. Шу боис бу борада банкнинг ҳеч қандай айби йўқ.

Андижон вилоят хўжалик судининг судьяси Дилмурод Мирзакаримов бу низоли иш юзасидан шундай хулоса беради:

— Ишни атрофлича ўрганиш натижасида шу нарса аён бўлдики, жавобгар ўзига боғлиқ бўлмаган ҳасда кредит ҳужжатларини қайтаришга мажбур бўлган.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

ПОСАНГИ БАРАВАР БЎЛДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Тарафлар ўртасида имзоланган шартноманинг 4.1 банди 3-қисмида "тақдим этилган тўлов топшириқномаларига мувофиқ банк қарздорнинг ссуда ҳисоб рақамидан мазкур шартномада белгиланган муддатларда тўловни амалга оширмаса, қарздорга ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов миқдорининг 0,1 фоизи микдорида жарима тўлайди", дея белгиланган. Шартноманинг мазкур банди фирманинг ҳисобига кредит маблағлари келиб тушгандан сўнг фирма томонидан мазкур маблағларни ўтказиш учун тўлов топшириқномаси берилиб, бу топшириқ банк томонидан бажарилмаган тақдирда тадбиқ этилишини ҳисобга олган ҳолда иш ҳолатларига кўра фирма ҳисобига кредит маблағлари тушмагани ва фирма томонидан тўлов топшириқномаси берилмагани ўз тасдиғини топгани учун даъвонинг 18 миллион сўм микдоридаги устама қисми рад этилди.

Бундан ташқари, кредит шартномасининг 7,1-бандида "Ушбу шартнома кредит воситасини кредит олувчининг ссуда ҳисоб рақамига ўтказилган санасидан бошлаб кучга киради", деб қайд этилган. Шунга биноан суд 50 миллион сўмлик имтиёзли кредитнинг молиялаштирилиши рад этилгани ҳолда кредит фирма ҳисобига келиб тушмагани учун 192-сонли шартнома қонуний кучга кирмагани, шунингдек, Фуқаролик Кодексининг 2-қисмида баён этилган **"агар тарафлар ҳуқуқ ва бурчларнинг бекор бўлишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, бундай битим бекор бўлиш шарти билан тузилган битим ҳисобланади"**, деган талабга асосан тарафлар ўртасида тузилган шартнома кредитни молиялаштиришни режалаштирган иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига боғлиқлигини ва жамғарма кредитни молиялаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисобламагани тарафлар учун номаълум бўлганини ҳисобга олган ҳолда даъвогар томонидан 15 фоиз микдорида жарима талаб қилинишини нотўғри деб топди. Шунингдек, қонуннинг 32-моддасида "товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўламаганлик ёки ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгарлик" белгиланган боис даъвонинг 7 миллион 500 минг сўм миқдоридаги жарима ундириш қисми ҳам рад этилди.

Суд мажлисида тарафлар томонидан кредит шартномаси имзоланганидан сўнг кредит олиш мақсадида банкнинг талабига кўра "Истиклол" фирмаси томонидан ҳужжатларни расмийлаштириш учун ҳақиқатда гаров шартномаси учун 84 минг 375 сўм, гаров шартномаси бўйича мулкни таъқиқ солиш ҳақидаги билдирги учун 343 сўм, "Мадад" суғурта агентлиги ҳисобига суғурта тўлови учун 50 минг сўм, кредитни гаровга етмаган қисми учун 250 минг сўм тўлов — жами 334 минг 718 сўм маблағ сарфлангани ўз исботини топди ва ушбу моддий зарар суд қарорига кўра фирмага ундириб берилди.

Мухбир мулоҳазаси: — **Қонунга амал қилинган ҳолда биров-нинг ҳақини биров еб кетолмайди. Зеро, қонун ҳеч кимга нисбатан адолатсизликка йўл қўймайди. У тарозининг посангисини ҳар доим баробар ушлайди. Шу боисдан ҳам қонунни билиб, унга амал қилиб яшаган одам ҳеч қачон ютқазмайди.**

Ўз мухбиримиз

"МАЪНАВИЙ ЗАРАРДАН ВОЗ КЕЧАМАН!"

– дейиш ҳам қонун талабини бузишга олиб келиши мумкин

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Аммо айнан шу йили М.Мелибоевга суд томонидан пахта сотишга уринган, деган айблов билан ахлоқ тузатиш жазоси тайинланади. Шундан сўнг ширкат хўжалиги раиси Ҳ.Умаров "Бешариқ" фермер хўжалиги рахбари ишни тўғри ташкил этмагани ва эътиборсизлиги ҳамда агротехника қоидаларига риоя қилмаганлиги оқибатида ер структурасини бузилишига, бегона ўт босиши ва ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига олиб келган, деган мазмунда хат битади-да, фермер хўжалигини тугатиб, 40 гектар майдонни ширкатга қайтариб олиш тўғрисида туман ҳокими қарорини чиқартириш ва ишга эришади.

Албатта, туман ҳокимининг бу қарори ноқонуний эди. Шунинг учун М.Мелибоев бу қарорни бекор қилишни сўраб, бир йил давомида турли идораларга мурожаат қилади. Бу орада раис фермердан олиб қўйган ерни бошқа фермер хўжаликларига бўлиб беришга ҳам улгуради. Ниҳоят, судга киритилган даъво аризасида фермер 100 минг сўм моддий ва 100 минг сўм маънавий зарар кўрганлиги таъкидланади. Бироқ судда туман ҳокими қарори бекор қилиниб, фермер хўжалиги тикланишидан М.Мелибоев шунчалик хурсанд бўлиб кетадики, натижада кўрган зарарларини ҳам ундиришдан воз кечиб юборади...

Меҳнатобод туманидаги "Амир Темур" номидаги фермер хўжалиги раҳбари Э.Суюнов ҳам ерини қайтариб олиб қўйишгач, ҳақиқатни тиклайман, деб икки йил сарсон бўлади. Ана шу машмаша ортидан елиб-югуриб асаблари толиқади, соғлиғини йўқотади, охири эса, бахтсиз воқеа туфайли вафот этади. Оқ-олтин туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди ажримида эса фермернинг вафотидан сўнг ўзаро келишилгани туфайли моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги иш юритишдан тугатилсин, деб ёзилди. Даъвогар сust бўлса... аҳвол шуда! Фермер дунёдан ўтиб кетгач, унинг укаси Б.Суюнов яна қайта даъво ишини қўзғатади. Сўнг у кутилмаганда жавобгарлар билан ўзаро келишиб кетади. Бу ўринда ҳам фуқаролик ишлари бўйича суд қонунга асосланиб ажрим чиқаради. Ҳаммаси тўғри, ҳеч қандай эътироз йўқ. Фақат ҳақли бир савол жавобсиз қолди: ана шундай ўзаро келишишнинг имкони бор экан, мутасадди идораларни овора қилишга ҳожат бормиди?

Боёвут саноат-қурилиш коллежи қурилиши муносабати билан "Юрт" фермер хўжалиги экин еридан "траншея" ковланиб, қувур ётқизилади. Бунинг учун вилоят мукаммал қурилиши бошқармаси зарарни қоплаш мақсадида фермер хўжалигига 586.320 сўм тўлайдиган бўлди. Аммо бошқарма ўртадаги шартномани бажармагач, орадан беш ой ўтиб, фермер вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилади. Фермернинг аризаси юзасидан суриштирув бошлангач, мукаммал қурилиш бошқармаси бошлиғи Қ.Маҳмудов зарар қурилиш материаллари билан қопланади, деб жавоб беради. Фермер хўжалиги раҳбари Т.Абдурахмонов яна қайта мурожаатида ёзишича, у шифер сўраган, бошқарма эса сим беришини айтган. Шундан сўнг ўртада келишмовчилик келиб чиққан. Иш фуқаролик судигача бориб етган. Суд ажримида эса жавобгар 2003 йилгача фермер хўжалиги ҳисобига 250000 сўм пул ўтказиб бериши туфайли даъвогар даъвосидан воз кечиши ва иш юритишдан тугатилиши қайд этилган.

Сайхунобод туманидаги "Омад" фермер хўжалиги раҳбари А.Тўхтамишевнинг ёзишича, туман ҳокимининг 2002 йил 27 мартдаги 172-А қарори билан фермернинг ери олиб қўйилган. Бунинг устига туман ҳокими қарори чиқишидан олдин фермер хўжалиги режасини нега бажармаслиги сабаблари ўрганилмаган. Ҳолбуки, фермер хўжалигига икки йил давомида оқар сув берилмаган. Ушбу қарор билан туман ҳокими тузилган ижара шартномасини бекор қилиб, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонуннинг 15-моддаси талабларини бузган. Ушбу модданинг 1-қисмида **"Хўжалик шартномаси тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин"**, дейилган. Унинг 2-қисмида эса, **хўжалик шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилиши қайд этилган.** Ер

Huquq va burch

кодекси ва бошқа тегишли қонунларда ҳам ҳиссадорлик сўнгги уч йилга нисбатан белгиланиши таъкидланган.

Қисқаси, мазкур низоли ишга ҳуқуқий баҳо берган суд туман ҳокими қарорини бекор қилди ва ер яна фермерга қайтарилди. Бундан мамнун бўлган фермер моддий ва маънавий зарарни ундиришдан воз кечди...

Юқорида тилга олинган мисолларни кўриб, ана холос, дейишдан бошқа илож йўқ. Аввалига даъвогарлар йиллаб сарсон бўлгани, идорама-идора қатнаб, тортган руҳий азоблари, соғлиғини йўқотганлиги учун касаллик варақасини ҳам илова этиб, ўзларига етказилган маънавий зарарни ундириб беришни сўрашади. Баъзан бундай зарар миқдори миллион сўмгача етиб боради. Албатта, зарар миқдори осмондан олиб ёзилмайди. Шу боис, адлия ходимлари маънавий зарарнинг миқдорини аниқлаб, судга даъво аризаси киритади. Сўнг ҳисоботларда ҳам судларга киритилган даъво аризаларининг жами суммаси қайд этилади. Суддан кейин эса, кўриб турганимиздек, ўша суммадан арзимас чақа қолади ёки умуман ҳеч нарса қолмайди.

Ҳолбуки, Фуқаролик процессуал Кодексининг 101, 102-моддаларида зарардан воз кечишнинг жавобгарлик томонлари баён этилган. Албатта, зарарни ундиришдан воз кечиш ҳар бир фуқаронинг шахсий иши. Лекин бу бошқаларнинг ҳам овора қилишга сабаб бўлмаслиги керак. Кези келганда, яна шуни айтиш керакки, агар маънавий зарардан воз кечган ишларни таҳлил қилсангиз, икки ҳолатни пайқаш қийин эмас. Биринчидан, даъвогарлар суддан сўнг туман ҳокими ёки ширкат хўжалиги бошқаруви раисига иши тушишидан чўчиб, маънавий зарарни олишдан воз кечса, иккинчидан, "енг учида" ўзаро келишиб кетишади. Бундан гўё сих ҳам, кабоб ҳам куймайди...

Аслида эса, бундай ҳолатнинг юзага келиши қонун талабларини бузибгина қолмай, унга нисбатан ишончсизликни ҳам пайдо қилади.

Энг ёмони, оёғи остидан икки қадам нарини кўра олмайдиган айрим раҳбарларнинг "пулим бор, нима ғамим бор" қабилида иш тутишига олиб келади.

Демакки, ҳаётимизда ижтимоий адолатни таъминлаш жавобгарнинг ҳам, даъвогарнинг ҳам қонун талабларига бирдек бўйсунишига боғлиқ.

Бобомурод ИСОҚУЛОВ,
ҳуқуқшунос

Muloqot

БЕШ САВОЛГА БЕШ ЖАВОБ

Тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалиш гаровидир. Шу боис уларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Чунки тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатиши борасидаги тўсиқ ва муаммолар ҳали тўлиқ бартараф этилмаган.

Адлия вазирлиги томонидан ана шундай муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жойларда тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган мавжуд қонунбузилишлар ўрганиб чиқилмоқда. Хусусан, Адлия вазирлигида бу борада доимий равишда қонун ҳужжатларини ўрганиб, уларни ҳаётга татбиқ этишда аниқланаётган қонунбузилишларни чуқур таҳлил этиш ва тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш учун таклифлар тайёрлаш бўйича 19 та қонунчилик гуруҳлари ташкил этилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қонунбузилишлар асосан ҳокимлик, назорат қилувчи идоралар, банк ва шартномавий муносабатлар бўйича тайёрлов, хизмат кўрсатувчи идоралар ходимлари томонидан содир этилмоқда. Агар қонунбузилишларни хусусиятларига қараб ажратадиган бўлсак, фақат ўтган йилда иқтисодий ислоҳотлар бўйича қонунларнинг бажарилиши юзасидан турли соҳаларда 245 мингга яқин қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Шундан 32739 таси рўйхатга олиш тартибини бузиш, 2957 таси тадбиркорларнинг пул маблағларини ноқонуний жалб қилиш, 9411 та кредит бериш тартибини бузиш, 157 таси ноқонуний текшириш ўтказиш, 12469 таси ноқонуний маъмурий жавобгарликка тортиш, 84146 таси шартнома интизомини бузиш бўйича содир этилган қонунбузарликлардир.

Кўриниб турибдики, тадбиркорларни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан қонунбузилишлар сони ўтган йилга нисбатан анча ошган. Ушбу қонунбузарликларнинг кўпчилигини тадбиркорларни асоссиз маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари ташкил этади. Шу сабабли Адлия вазирлиги ташаббуси билан жорий йилнинг 14 март куни барча назорат қилувчи ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосан маъмурий жазо тайинлаш ҳуқуқига эга мансабдор шахслар иштирокида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Ана шу анжуманда иштирокчилар томонидан бир қанча саволлар бериладики, ушбу саволлар ва уларга берилган жавоблар тадбиркорларни бефарқ қолдирмаса керак. Масаланинг шу жиҳатини ҳисобга олиб, қуйида ушбу савол-жавобларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими Давлатназар МАТРАСУЛОВ жавоб беради.

САВОЛ: ***Агар тадбиркорлик субъекти томонидан статистика идораларига йил якунлари бўйича нотўғри ва сохта ҳисобот топширилгани орадан 6-7 ой ўтганидан сўнг аниқланса, бу ҳолда тадбиркорни маъмурий жавобгарликка тортиш мумкинми?***

ЖАВОБ: «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 36-моддасига асосан маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирилмай қўлланилиши мумкин. Тадбиркорлик субъектлари томонидан йиллик якунлари бўйича ҳисоботлар бузиб кўрсатилганлиги 2 ой ичида аниқланса, маъмурий жавобгарликка тортилади. Аммо бу муддат ўтиб кетса, у ҳолда маъмурий жавобгарликка тортиш ноқонуний ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектлари томонидан нотўғри ҳисоботлар топширилган кун маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган деб эътироф этилади. Яъни шу кундан бошлаб 2 ой ичида жавобгарликка тортиш мумкин. Бу борада асосий эътиборни тадбиркорнинг ушбу қонунбузарликни қасддан ёки ҳақиқатдан ҳам, ҳисоб-китобларни билмасдан тўлдирганига қаратиш лозим. Чунки тадбиркорларнинг аксарияти қонунчиликни тушунмаганлигидан ана шундай қонунбузарликларни содир этмоқда. Шу боис аввало, тадбиркорлар орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш зарур.

САВОЛ: ***Маъмурий ҳуқуқбузарга уни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор нусхасини қанча муддатда бериш лозим? Агар уни шахсан ҳуқуқбузарга бериш имконияти бўлмаса, қандай иш тутиш зарур? Масалан, ҳуқуқбузар касалхонада даволанаётган бўлса, бу муддатни узайтириш имконияти борми?***

ЖАВОБ: «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 311-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши билан дарҳол эълон қилиниши лозим. Агар ҳуқуқбузар касалхонада даволанаётган бўлса, қарор нусхаси 3 кунлик муддат ичида унинг яшаш жойига жўнатилади ва бу ҳақда ишга тегишли қайдлар киритилади.

САВОЛ: ***Агар тадбиркорлик субъекти давлат ва солиқ идорасидан рўйхатдан ўтган ҳолда Давлат санитария ва эпидемиология назорат марказидан рухсатнома олмасдан туриб, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни бошлаб юборса, унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш рухсатисиз текшириш ва ҳуқуқбузарликни маъмурий ёхуд молиявий жаримага тортиш мумкинми?***

ЖАВОБ: Тадбиркорлик субъекти маҳаллий ҳокимият идораларида давлат рўйхатидан ўтиб, солиқ идорасида ҳисобга қўйилганидан кейин унинг фаолиятини текшириш учун Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 26 апрелда 1029-сон билан рўйхатга олинган **"Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида"**ги Низом талаблари бўйича Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ёки вилоят худудий комиссиясининг рухсати олиниши шарт. Ана шундай рухсат олмасдан текширув ўтказилиб тадбиркорга жарима қўлланилса, жазо ноқонуний деб топилиши мумкин.

САВОЛ: ***Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқаришда ҳуқуқбузарнинг миллати, фуқаролиги ва унинг туғилган жойи ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши шартми?***

ЖАВОБ: «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 309-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорда қуйидагилар кўрсатилиши лозим: қарор чиқарган идоранинг (мансабдор шахснинг) номи, иш кўриб чиқилган сана, фаолияти текширилаётган шахс хусусидаги маълумотлар, аниқланган ҳолатларнинг баёни, мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжат, иш юзасидан қабул қилинган қарор. Бундан ташқари, қарорда ҳуқуқбузарнинг миллати, фуқаролиги ва унинг туғилган жойи ҳақидаги маълумотларни кўрсатиб ўтиш зарур.

САВОЛ: ***Жаримага тортилган мансабдор шахс айрим сабабларга кўра, жаримани 15 кунлик муддат ичида тўлай олмаса, жарима қандай тартибда ундирилади?***

ЖАВОБ: «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 332 ва 333-моддаларига биноан жарима солинган шахснинг иш ҳақи ва бошқа даромадидан жаримани ундириб олишнинг иложи бўлмаса, у ҳолда жарима туман (шаҳар) судининг суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисидаги тегишли идора (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг шахсий мулкидан, шунингдек, умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олинади.

Taassuf

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

Кейинги пайтда мингбулоқлик Мадамин Юсуповнинг гўё омади чопиб қолгандек бўлди. Чунки у "даврнинг келди — суриб қол" деган нақлга амал қилди. Аниқроғи, у ўз ҳовлисида пахта ёғи ишлаб чиқарадиган қўлбола мойжувоз қуриб олди. Бундан содда ҳамқишлоқлар роса хурсанд бўлишди. Чунки улар энди овора бўлиб шаҳардан ёғ олиб келиб юрамаймиз, деб ўйлашди. Бунинг устига Мадамин Юсупов тез орада қишлоқда кир ювиш совуни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишни ваъда берди.

Бироқ қорашаҳарликларнинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Шу йилнинг 4 феврал куни Мингбулоқ туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари қўлбола мойжувоз цехининг ноқонуний фаолиятини тўхтатиб қўйишди. Бу ерда 12 қопда 336 килограмм чигит хомашёси бор экан. Қопларга **"Дориланган уруғлик чигити. Селекцион нави с-65-24. Ҳосил йили — 2002 йил. Ишлаб чиқарувчи корхона «Гулбоғ». 1.02.2003 йил"** деган ёрлиқ ёпиштирилган экан. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, Мадамин Юсупов 12 қопдаги чигитни қаердан олган?

Маълум бўлишича, у чигитларни "Гигант" ширкат хўжалигида қоровул бўлиб ишловчи Икром Холбоевдан олган. Энди қоровул чигитни қаердан топган, деган яна бир саволнинг туғилиши табиий. Бунга жавобан шуни айтиш лозимки, Икром Холбоев ҳамқишлоғи Нуриддин Худойбердиев ва Азизбек Муродов билан тил бириктириб, "Гулбоғ" пахта заводидан 12 қоп чигитни ўмарган ва уни қўлбола мойжувоз цехининг бошлиғи Икром Юсуповга пуллаган. Шу тариқа сохта тадбиркор ва чигит ўғриларининг қилмиши фош этилди.

Сохта тадбиркорлик билан бойишни кўзлаганлар қонун талабини бузиш баробарида ўз юртдошларининг ҳаётига жиддий хавф туғдираётганини унутиб қўйишмоқда. Наманган туманида яшовчи Латиф Болтабоев Жомашўй шаҳарчасида яшовчи Умар Раҳимов билан ўзаро келишган ҳолда 80 литр спирт маҳсулотини сотиш учун Жомашўй шаҳарчасига олиб келганда қўлга тушди. Спирт маҳсулоти таркиби текшириб кўрилганда, унинг истеъмолга мутлақо яроқсизлиги маълум бўлди. Айни кунларда мазкур жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Тез орада айбдорлар қонун олдида қилмишига жавоб беради.

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб қўйилган. Бироқ бу ҳар ким хоҳлаган ишини қилаверади, дегани эмас. Чунки қонун чин маънодаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди. Ҳақиқий тадбиркор эса ҳеч қачон давлат ва халқ манфаатига зид иш юритмайди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



Сурхон дўппилари жилоси

Adliya tizimi

ХОРАЗМ

Ўтган йили вилоятда 25312 та ички хўжалик шартномалари тузилди. Вилоят адлия бошқармасининг шартномавий муносабатлар бўлими мазкур битимларнинг 3687 тасида турли жиддий камчиликлар мавжудлигини аниқлади. Пировардида уларнинг бари қонун талаблари асосида қайта расмийлаштирилди. Аён бўлишича, Урганч туманидаги Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раҳбари И.Мадраҳимов мазкур ҳудуддаги "Соҳиба-Зийнат", "Уста Абдураҳмон", "Сафо-Раҳмон", "Йўлдош-Ҳасанбой", "Ибрат-Бобохон", "Шарифбой" фермер хўжаликлари зиммасига ажратилган ҳар гектар майдон ҳисобига 6 килограмм пилла етказиб бериш, далалар атрофларида эса тут кўчатларини ўстириш мажбуриятини юклаган. Шартномавий мақсадга даҳли бўлмаган ушбу қонунсизлик адлия бошқармаси аралашувидан сўнг барҳам топди. Раиснинг хатти-ҳаракати ҳам беиз кетмади. Туман ҳокими адлия бошқармасининг тақдимномасига мувофиқ уни "ҳайфсан" билан сийлади. Адлия бошқармасининг Кўшкўпир туманидаги 54, Шовот туманидаги 75 нафар оддий ижарачи ва пудратчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари ҳам самарали якунланди.

Mulohaza, muammo, taklif

БАҲОНА — ЧОРА ЭМАС!

ёхуд ҳуқуқшунос кадрлар тақчиллигини бартараф этиш хусусида айрим мулоҳазалар

Боёвут туманидаги Ш.Рашидов номидаги ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси Ю.Сарибоев билан пудратчи Ш.Қирғизбоев ўртасида 2001 йилда шартнома тузилган эди. Шартномада хўжалик бир йилга 10 гектар ер майдонини пудратчига ижрага бериши, Ш.Қирғизбоев эса ернинг ҳар гектаридан 38,6 центнердан буғдой етиштириши кўзда тутилган. Маълумки, шартнома ҳар икки томоннинг манфаатига мос бўлиши, пудратчи ёки буюртмачига имтиёз ёхуд ортиқча ҳуқуқ бермаслиги керак. Бироқ юқорида тилга олган уюшма бошқаруви раиси Ю.Сарибоев ҳамда пудратчи Ш.Қирғизбоев ўртасида имзоланган шартномада тарозининг палласи тенг эмас. Аниқроқ айтганда, деҳқоннинг зиммасига оғир юк босилган. Бунга мисол тариқасида шартноманинг 3.5 бандини келтириш мумкин. Унда оила пудратчиси ғалла етиштириш режасини ошиғи билан бажарса, давлат буюртмасидан ортиқча етиштирилган бошоқли дон келишувга асосан 10-19 суғурта фонди учун қайтариб, қолган қисми пул ёки натура ҳолда тўла пудратчига иш ҳақи ҳисобига берилиши қайд этилган.

Аслида эса бу нотўғри. Нега деганда, пудратчи шартномада кўзда тутилган ҳосилни буюртмачига топширгач, ортиқча етиштирилган маҳсулот тўлиқ унга тегиши керак. У истаса, ғаллани тўлиқ олади, агар ғалла хўжаликка зарур бўлса, пудратчи розилиги билан хўжалик унга бозор нархида пулини тўлаши мумкин. Ҳақ тўлашнинг пудрат усулига ўтишдан кўзланган асосий мақсад-муддао ҳам деҳқоннинг кўнглида меҳнатга, ҳосилдорлиқнинг мўл бўлишига рағбат уйғотишдир. Бу тегишли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган.

Энди юқорида қайд этилган шартномага баҳо берсак, энг аввало, у талаб даражасида тузилмаган. Аниқроқ айтганда, ҳуқуқий ҳужжат сифатида ҳар икки томоннинг манфаатларини бирдек ифода этмайди. Бундан ташқари, шартномада фақат хўжалик раҳбари ва пудратчининг имзоси бор.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, шартномани қонун талаби даражасида тузилмаганлигининг асосий сабаби нима билан изоҳланади?

Бу саволга жавоб тариқасида шуни айтиш жоизки, юқорида тилга олинган шартноманинг хўжалик ҳуқуқшунос маслаҳатчиси имзолайдиган қисми бўш турибди. Демак, ҳуқуқий ҳужжатнинг талаб даражасида тузилмагани ҳуқуқшунос маслаҳатчининг хўжаликда йўқлиги билан изоҳланади. Буни янада аниқроқ айтсак, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 2 мартдаги **"Ўзбекистон Республикасининг Давлат бошқарув органлари ва корхоналарида юридик хизмат кўрсатиш тўғрисида"**ги 118-сонли қарори ижроси мазкур хўжаликда таъминланмагани оқибатида ана шундай тушунмовчилик ва бир ёқламалик келиб чиққан.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги **"Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"**ги 1998 йил 4 мартдаги Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида"**ги 177-сонли қарорининг 7-бандида** "Маҳаллий ҳокимият органларининг ишини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида туман, (шаҳар) ҳокимликлари аппарати тузилмасида штатда белгиланган ходимлар сони доирасида юрист лавозимини назарда тутиш" **қайд этилган.**

Хўш, Сирдарё вилояти туман ва шаҳар ҳокимликларида бу борада аҳвол қандай? Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишда маълум бўлдики, Ш.Рашидов, Гулистон, Оқ-олтин, Меҳнатобод, Мирзаобод, Ховос ва Боёвут туманлари ҳамда Ширин шаҳар ҳокимликларида ҳуқуқшунос штатлари мавжуд эмас экан. Шу боис Адлия бошқармаси мазкур туман ва шаҳар ҳокимликларига ҳукумат қарори ижросини таъминлаш тўғрисида тақдимномалар киритди.

Хўш, тақдимномадан сўнг аҳвол ўзгардими? Ш.Рашидов номидаги ҳамда Гулистон туман ҳокимликларида ҳуқуқшунос лавозими жорий этилиб, юридик хизмат йўлга қўйилди. Аммо Оқ-олтин, Меҳнатобод, Мирзаобод, Ховос, Боёвут туманлари ва Ширин шаҳар ҳокимликлари ҳуқуқшунос штатлари ташкил этишга керакли маблағ етишмаётганини рўкач қилишмоқда. Бошқача айтганда, улар тақдимнома ижросини таъминлашни исташмаяпди. Ҳолбуки, ҳуқуқий-демократик ва фуқаролик жамияти қуришга интилаётган мамлакатимизнинг ҳар бир жамоасида ҳуқуқшунос кадрлар сув билан ҳаводек зарур. Айниқса, туман ёки шаҳар ҳокимликларида ҳуқуқшунос штатининг бўлмаслиги ҳозирги шароитда асло мумкин эмас. Чунки ҳуқуқшунос кадрлар ҳокимлик, корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликнинг қонун асосида фаолият юритишида муҳим вазифаларни амалга оширади.

Шу ўринда яна бир муаммони айтиб ўтиш жоиз. Вазирлар Маҳкамасининг 118-сонли қарорида хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатадиган ҳуқуқшунос кадрлар олий маълумотли юрист бўлиш кераклиги белгилаб қўйилган. Бироқ вилоятдаги айрим давлат солиқ инспекцияларида ҳуқуқшунос вазифаларида ўрта махсус маълумотли мутахассислар ишламоқда. Бундай аҳволни деҳқон фермер хўжаликлари вакиллиги, "Пахтасаноат" ҳудудий бирлашмасига қарашли пахта тозалаш акциядорлик жамиятларида ҳам кўриш мумкин. Ёки яна бир манзара: айрим меҳнат жамоаларида ҳуқуқшунос лавозимини бошқа касб эгалари эгаллаб турибди. Улар мутахассис бўлмагани сабабли иккинчи даражали ишлар билан шуғулланишмоқда.

Бу икки ҳолат олий маълумотли ҳуқуқшунос кадрларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Тошкент давлат юридик институтини ҳисобга олмаганда мамлакатимизда бармоқ билан санарли олий ўқув юртларида ҳуқуқшунослик факультетлари бор. Уларни тугатаётган кадрлар ҳам хўжалик ёки бирор-бир ташкилотга ишга келмаяпти.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқшунос маслаҳатчиларга ниҳоятда тақчиллик сезилмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодининг етакчи тармоғи — қишлоқ хўжалиги соҳасига малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Зеро, бу нафақат Сирдарёда, балки бошқа вилоятларда ҳам ечимини кутаётган долзарб муаммодир. Ушбу муаммони ечиш борасида қуйидаги таклифни билдирмоқчимиз. Маълумки, ҳозирги пайтда кўплаб коллежларда ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича ўқувчиларга таълим берилмоқда. Бироқ уларни Вазирлар Маҳкамасининг 118-сонли қарорига зид равишда корхона ёки хўжаликлардаги ҳуқуқшунос-маслаҳатчи лавозимига ишга тайинлаб бўлмайди.

Ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, адлия бошқармаларида ўрта махсус маълумотли мутахассисларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун махсус курслар ташкил этиш зарур. Ушбу курсларни тугатган тингловчилар малака ҳайъати томонидан синовдан ўтказилиб, хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳуқуқшунос маслаҳатчи лавозимида ишлашига рухсат берилиши мақсадга мувофиқдир. Шунда ҳуқуқшунос маслаҳатчи кадрлар муаммосини ечиш осонлашади. Кейинчалик бу усул янада такомиллаштирилиб борилади. Ўйлаймизки, ушбу таклиф мутасаддилар эътиборидан четда қолмайди.

Комилжон БОТИРОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИЖРО ХАТИ

у қандай тартибда ёзилади?

Huquqiy ma`rifat

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар нотариуслар фаолиятида туб бурилишлар ясади. Бунинг натижаси ўлароқ нотариат идоралари ходимларига бир қатор масъулиятли вазифалар ҳам юкланди. Ана шундай вазифалардан бири ижро хатларини ёзиш ҳисобланади.

Гап шундаки, нотариуслар қарздорлардан пул маблағларини ундириш ёки мол-мулкини талаб қилиб олиш учун мансабдор шахсларнинг ёзма аризасига мувофиқ қарздорликни белгиловчи ҳужжатларда ижро хатларини ёзади. Мамлакатимиз қонунчилигида ижро хатларини ёзиш тартиби белгилаб қўйилган.

Мазкур тартибга мувофиқ нотариус ижро хатини бериш чоғида ижро хатлари асосида қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатларнинг рўйхатда кўрсатилган барча ҳужжатлар тақдим этилгани ёки этилмаганини текшириб кўриши шарт.

Қонунчиликда белгиланган тартибга кўра ижро хатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1. Ижро хатини ёзаётган нотариуснинг исм-шарифи, лавозими.

2. Қарздорнинг исм-шарифи ва яшаш манзили.

3. Ундириб олувчининг исм-шарифи ва яшаш манзили.

4. Ундириб олиш амалга оширилади-ган муддат.

5. Ундириб олиниши керак бўлган маблағ ёки талаб қилиб олиниши керак бўлган нарсалар (шу жумладан, тўланиши лозим бўлган устама ва фоизлар).

6. Ундириб олувчи тўлаган ёки қарздордан ундирилиши керак бўлган давлат божи ва тариф маблағлари.

7. Ижро хати ёзилган сана (йил, кун, ой).

8. Ижро хатини ёзган нотариуснинг имзоси.

9. Ижро хатининг қайд этиш дафтаридаги тартиб рақами.

10. Нотариуснинг муҳри.

Ижро хати қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатда қайд этилади. Шунингдек, у қарздорликни белгиловчи ҳужжатдан алоҳида тарзда амалга оширилмайди. Шу боис нотариал идорада қарзни белгиловчи ҳужжат ёки қарздорнинг шахсий ҳисобидан кўчирма ва ижро хатининг нусхаси олиб қолинади. Бундан ташқари, кўчирманинг ижро хати ёзилган бир нусхаси ва мажбурият белгиланган ҳужжат ундириб олувчига қайтариб берилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бир хил шаклдаги ҳужжатлар бўйича бир қанча ижро хатлари беришни амалга ошириш чоғида нотариал идорада қарздорлардан бирининг қарздорлигини белгиловчи ҳужжатнинг бир нусхаси ва қарз ундириб олиш учун ижро хатлари ёзилган қарздорларнинг рўйхатлари ҳам қолдирилиши мумкин. Бунда қарздорларнинг тўлиқ исм-шарифи ва манзили, тўлов муддатлари, ижро ёзуви бўйича қарз ундириш маблағи миқдори, зарур ҳолларда эса бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Қарз ундирувчи ёки қарздор ижро ёзуви амалга оширилган кундан бошлаб 3 йил давомида уни мажбурий ижро этишга тақдим этиши мумкин. Бошқа қолган барча талаблар бўйича эса қонун билан бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса, 1 йил давомида ижро этишга тақдим қилинади.

Ижро ёзувини тақдим этиш учун ўтказилиб юборилган муддатни тиклаш Фуқаролик процессуал Кодексининг тегишли талабига мувофиқ амалга оширилади.

Феруза АШИРҚУЛОВА,
ҳуқуқшунос

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

ҒАРАЗ АРАЛАШМАСИН...

Одам боласи дунёга келар экан, оила қуриш, фарзанд кўриш унинг ҳаётидаги энг катта мақсадларидан бири саналади. Зеро, оила, фарзанд унинг орзу-ҳавасларини рўёбга чиқишини таъминлаб қолмай, авлодларнинг бардавомлигига ҳам хизмат қилади.

Бундан ташқари дунёга келган фарзанд тарбияси, уни элнинг корига ярайдиган кишилар қилиб тарбиялаш ҳар бир ота-онадан алоҳида масъулият, жавобгарлик талаб қилади.

Аммо ҳаётда баъзан ана шундай ўта муҳим масалага беписанд муносабатда бўлиш, ҳатто ўз фарзандидан воз кечиш ҳоллари ҳам учраб туришидан кўз юмиб бўлмайди.

Ана шундай нохуш ҳолатлар юзага келганда, болаларни ўзга оилалар фарзандликка олиши мумкин. Албатта, бу жараён ҳам муайян қонун-қоида асосида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 171-сонли қарори 3-иловаси билан тасдиқланган **"Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида"**ги Низомнинг 1-бўлим 2-бандида **«Фарзандликка олиш фақат ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, вояга етмаган болаларга нисбатан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида йўл қўйилади»,** дея қайд этилган.

Мазкур Низомнинг 1-бўлим, 7-бандида эса фарзандликка олиниши лозим бўлган болалар сифатида ҳисобга олинадиганлар тартиби қатъий белгилаб қўйилган. Хусусан, ота-онаси вафот этган, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган, бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар муассасалари ёки тиббий муассасалардаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган, ота-онаси тарбиялаш, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва бошқа муассасалардан боласини олишдан бош тортган, ота-онаси бедарак йўқолган ёки вафот этган деб эълон қилинган болалар фарзандликка олиниши мумкин.

Демак, қонун талаби ана шуни тақозо этади. Бироқ ҳаётда бу талабни қўпол равишда бузиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Аниқроқ айтганда, бу масалага кўпроқ боланинг манфаати эмас, балки фарзандликка олувчиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилмоқда. Масалан, бефарзанд оилалар (ўз яқинларининг ота-оналари яшаш шароитлари яхши, тарбиясида нуқсон йўқ фарзандларидан бирортасини фарзандликка олиш); ўғил ёки қизи йўқ оилалар (булар ҳам яқинлари ёки бекаму кўст оиланинг тарбиясига муҳтож бўлмаган боласини фарзанд қилиш); бобо ёки буви ўз неварасини (бу ерда ҳам ота-онаси тирик, соғлом ўғил ёки қизларининг тарбиясига муҳтож бўлмаган болаларини фарзандликка олиш); ғаразли мақсадларда (масалан, мол-мулкига меросхўр бўлиш ёхуд боқувчисини йўқотган шахс нафақасини олиш ва ҳоказо мақсадларда) ва бошқа ниятда фарзандликка олиш ҳоллари мавжуд.

Айтмоқчимизки, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд қилиб ўтилган қарорининг 2-бандидаги **"Фарзандликка олиш фақат ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болаларга нисбатан, уларнинг (бошқа бировларнинг эмас) ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида йўл қўйилади"** деган талаб барча фуқаролар, давлат идоралари, ҳокимликлар учун мажбурий бўлиши лозим. Қонунни четлаш, турли хил сабаб ва баҳоналар излаш қонунни бузишга имкон бермаслиги лозим.

Huquqiy savodxonlik sari

ВАСИЯТНОМА НИМА?

Бош қомусимиз бўлган Конституция билан кафолатланган ҳуқуқлардан фойдаланиб, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўзига тегишли мулк билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзи вафот этгандан кейин тасарруф этиш бўйича фармойиш беришга ҳақли. Бундай фармойиш васиятнома орқали расмийлаштирилади. Васиятномада мерос қолдирувчи ўзига тегишли мол-мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни ўзи вафот этгандан кейин тасарруф этиш ҳуқуқини олиш учун меросхўрлар доирасига кирадиган ва кирмайдиган бир ёки бир неча шахслар, шунингдек, юридик шахслар, давлат ёки фуқароларнинг ўзиниўзи бошқариш идораларига васият қилиши мумкин.

Васиятнома бир томонлама битим бўлиб, мерос қолдирувчи томонидан шахсан тузилиши шарт. Бошқа битимлар сингари уни вакиллар орқали тузишга йўл қўйилмайди.

Васиятномани гувоҳлантиришни сўраб мурожаат қилган кишининг шахси ва унинг муомалага лаёқатини нотариус қонунда белгиланган тартибда аниқлаши лозим.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, унинг бир нусхаси нотариал идорасида, яна бир нусхаси эса васият қолдирувчи қўлига берилади.

Мамлакатимиз қонунчилигига биноан 18 ёшга тўлган ҳар бир кишига хаётлигидаёқ ўзига қарашли мол-мулк бўйича тегишли васиятнома матнини тузиш ва уни нотариусда тасдиқлаши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида васиятнома ёзилган жой ҳамда вақти кўрсатилган ҳолда фақат ёзма шаклда тузилиши белгилаб қўйилган. Васиятнома фармойишида мерос қолдирувчи меросхўрга ўзининг вафотидан кейин илтимосини бажариш мажбуриятини юклашга ҳақли. Шунингдек, васият қилувчи шахс меросхўрларга бирор-бир мол-мулкни (агар у рассом, ҳайкалтарош бўлса) кўргазмалар ташкил этиш учун топшириқ мажбуриятини ҳам юклаши мумкин. Қонунчиликда васият қилувчи меросхўрлардан биттаси, бир нечтаси ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда ўз хоҳиш-иродаси билан меросдан махрум қилишга ҳақли экани ҳам қайд этилган.

Мерос қолдирувчи қонун бўйича ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги ва ҳатто васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк ҳақидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузиш ҳуқуқига эга ва агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк васият қилувчига тегишли бўлиб қолса, бундай фармойиш ҳақиқий ҳисобланади. Васиятнома фақат васият қолдирувчи ҳузурида тасдиқланиши лозим.

Васият қолдирувчининг хоҳишига кўра васиятнома исталган нотариал идорада гувоҳлантирилиши мумкин. Қонунчиликда янгидан тузилган васиятнома ҳам васият қолдирувчининг хоҳишига кўра исталган нотариусда гувоҳлантирилиши мумкинлиги ҳам белгиланган. Бундай ҳолларда биринчи васиятномани гувоҳлантирган нотариусга мурожаат қилиш шарт эмас.

Васият қилувчи васиятномасининг мазмуни билан танишиб чиқмасдан уни тасдиқлашни нотариусдан талаб қилишга ҳақи. Бундай васиятномалар махфий васиятнома деб аталади. Махфий васиятномани васият қолдирувчи ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим, бундай васиятнома камида икки гувоҳ иштирокида, уни гувоҳлантирувчи нотариус ҳузурида васиятнома мазмуни билан уларни таништирмасдан хатжилдига солиниб, елимланади ва гувоҳлар томонидан уларнинг исми-шарифи ва оталарининг исмлари, доимий турар жойлари кўрсатилиб, имзо чекилади ва иккинчи хатжилдга солиниб, нотариус томонидан тасдиқловчи устхат билан расмийлаштирилади.

Фуқаролик Кодексининг 1127-моддасида васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш тартиби баён этилган. Унга кўра, ҳар бир фуқаро ўзининг хусусий мулкини васият қилишни ўз ихтиёри ва эрки билан амалга оширади, шунингдек, унинг ўзгартириши ёки бекор қилишда ҳам эркин ҳаракат қилади. Васият қолдирувчи томонидан тузилган васиятнома унинг хаётлигида меросхўрлар учун ҳеч қандай ҳуқуқ бермайди. Шу билан бирга васият қолдирувчи учун ҳам ҳеч қандай мажбурият ва ҳуқуқ юкламайди.

Васиятнома янги васиятнома тузиш ва васиятни бекор қилиш ҳақидаги нотариусга ариза бериш йўли билан ўзгартирилади ёки бекор қилинади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, васиятномани ёши бир жойга бориб қолганда эмас, балки ҳар бир инсон ўз хаттиҳаракатларни бемалол баҳолай оладиган, билагидан куч, кўзларидан нури кетмаган даврида амалга оширилгани маъқул. Бундан ташқари, бу ишга киши ўзини руҳан тайёрлаб бориши зарур. Ана шунда келгусида рўй бериши мумкин бўлган ҳар хил кўнгилсизликларнинг олди олинади.

М. САТТОРОВА,
ҳуқуқшунос



Гулга бурканган маҳалла

Gazetxon xat yo`llabdi

ШИКОЯТ

Мен мактабда ўқитувчиман. 2000 йил феврал ойида декрет таътилига чиққан эдим. Ўша вақтда 28 соат дарс берар эдим. 2002 йил феврал ойида фарзандим 2 ёшга тўлмасдан яна декрет таътилига чиқдим. Аммо бу сафар менга илгаригига нисбатан анча кам миқдорда таътил пули тўлашмоқда. Қонун бўйича бу тўғрими?

М. БОБОКАРИМОВА,
Ховос тумани, Бобур номидаги ширкат хўжалиги

ЖАВОБ

Таҳририят М. Бобокаримованинг шикоят хати билан танишиб чиққач, масалага ойдинлик киритиш, мазкур муаммога қонуний баҳо беришни сўраб, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига мурожаат қилди. Кўп ўтмай Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан қуйидагича жавоб олинди:

1. Боёвут туман халқ таълими бўлими Меҳнат Кодексининг 286-моддасига, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, Молия вазири, Соғлиқни сақлаш вазири, Марказий банк раиси, Давлат солиқ қўмитаси раиси, касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раислари томонидан тасдиқланган ва 2002 йил 8 майда Адлия вазирлигидан 1136-сон билан рўйхатдан ўтган ва 2002 йил 18 майда куч кирган ***"Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"****ги Низом (эскиси Адлия вазирлигидан 430-сон билан рўйхатдан ўтган)нинг 48 (эскисида 58), 59 (эскисида 66), 60 (эскисида 67) 68 (эскисида75) бандларига мувофиқ фуқаро М.Бобокаримовага 2002 йил феврал ойидан шу даврдан барча иш ҳақларини тўлиқ ҳисоблаб, 100 фоиз миқдорида тўлаши лозим эди. Шу боис туман халқ таълими бўлими тўланмай қолган 59798 сўм 76 тийин нафақани фуқаро М.Бобомуродовага 10 кун муддат ичида тўлаши лозим.*

2. Боёвут тумани халқ таълими бўлими М.Бобокаримовага 2002 йилнинг декабр ойига 7709,50 сўм, 2003 йил январ ойи учун 9070 сўм — жами (7709,50+9070=) 16779,50 сўмлик тўланмаган икки ёшгача болани парваришдан нафақасини 10 кун муддат ичида тўлиқ тўлаши лозим.

ТАШАККУРНОМА

Бир йил давомида декрет пулимни тўлиқ ундириб беришларини сўраб бормаган, арз қилмаган мутасадди идораларим қолмаган эди. Сизларга мурожаат қилгач, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қонуний равишда ҳуқуқимни тиклаб, менга кам тўланган 59798,76 сўмни Боёвут туман халқ таълими бўлимидан ундириб берди.

Сизларга кўрсатган ёрдамларингиз учун миннатдорчилик билдираман.

М.БОБОКАРИМОВА,
Ховос тумани

Jahon tajribasi

"ЯПОН МУЪЖИЗАСИ"НИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ривожланган давлатлардан бири бўлган Япония ижтимоий ҳаётининг муҳим соҳалари асосий қонунлар билан тартибга солинади. Масалан, таълим, қишлоқ хўжалиги ва ер тўғрисидаги асосий қонунлар шулар жумладандир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, асосий қонун маълум бир соҳанинг муҳим йўналиш ва ғояларини, бу борада давлат ва маҳаллий тузилмаларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилаб беради. Яна бир эътиборли жиҳат шундан иборатки, Японияда асосий қонунлар сиёсат тўғрисидадир. Зеро, асосий қонун давлат сиёсати, режаси ҳамда ҳуқуқ ижодкорлигини белгилайди ва унда фуқаролик, жиноий ёхуд маъмурий жавобгарлик чоралари ўз аксини топмаган. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, асосий қонун замонавий ҳуқуқ манбаси бўлиб ҳисобланади.

Японияда кичик ва ўрта тадбиркорликка катта эътибор берилиши боис мазкур соҳа мамлакат ижтимоий ҳаётининг энг муҳим жабҳаларидан бири саналади. Ушбу соҳанинг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳам бевосита асосий қонун орқали амалга оширилади. Бу борада "Кичик ва ўрта тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун асосий ҳуқуқий манба саналади.

Мазкур қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад, кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасидаги йўналишлар ҳамда сиёсатни белгилаш, бу соҳада давлат идоралари ва маҳаллий тузилмаларнинг мажбуриятларини аниқлашдан иборат. Шунингдек, қонунда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишига мунтазам равишда давлатнинг кўмаклашиб туриши кўрсатиб ўтилган.

Қонунда қайд этилишича, ишлаб чиқариш, қурилиш ва транспорт соҳасида ўз фаолиятини фирма ёки якка тартибдаги тадбиркор шаклида амалга ошираётган тадбиркорлар кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари бўлиб ҳисобланади. Ушбу тадбикорлик субъектларининг Низом жамғармаси 300.000.000 иен (2.300.000 АҚШ доллари) миқдорини ташкил этиши мумкин. Бундай фирмаларда 300 нафардан ортиқ одам ишлайди.

Улгуржи савдо соҳасидаги тадбикорлик субъектларининг Низом жамғармаси 100.000.000 иенни (770.000 АҚШ доллари) ташкил этади. Мазкур фирмаларда 100 нафардан ортиқ бўлмаган одам ишлайди.

Турли хилдаги хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбикорлик субъектларининг Низом жамғармаси 50.000.000 иен (357.000 АҚШ доллари) гача миқдорда. Мазкур фирмаларда ишловчилар сони 100 нафаргача хизматчини ташкил этади.

Чакана савдо соҳасидаги тадбикорлик субъектларининг Низом жамғармаси 50.000.000 иен (357.000 АҚШ доллари) гача бўлиши мумкин. Бундай фирмаларда 50 нафардан ортиқ бўлмаган одам ишлайди.

Японияни "Кичик ва ўрта тадбиркорлик тўғрисида"ги асосий қонунида қуйидаги йўналишлар устивор аҳамиятга эга: кичик ва ўрта корхоналар ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида амал қилади; кичик ва ўрта корхоналар кишиларга турли фаолият тури билан шуғулланиш шарт-шароитларини яратади; кичик ва ўрта корхоналар якка тартибдаги тадбиркорларга ўз маҳоратларини кўрсатиш, имкониятларини рўёбга чиқаришлари ва уларни амалиётда тадбиқ этишларига замин яратиб беради; кичик ва ўрта корхоналар мамлакат иқтисодиётининг асосий негизини ташкил этади; кичик ва ўрта корхоналар Япония иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши, мустаҳкамланиши ва қўллаб-қувватланишига ҳисса қўшишда асосий вазифани бажаради; мустақил кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг саъй-ҳаракатлари асосида кичик ва ўрта корхоналар мамлакат иқтисодиётининг ислоҳ қилиниши ва энг асосийси, ўз корхоналарининг янада самарали фаолият кўрсатишларини таъминлайди.

Мазкур қонуннинг ўзига хос томони шундан иборатки, унда давлатнинг мажбуриятлари алоҳида моддаларда белгилаб қўйилган. Масалан, қонуннинг 4-моддасига мувофиқ давлат ўз зиммасига кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасидаги сиёсатни олиб бориш ва амалга ошириш мажбуриятини олади.

5-моддада эса кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Кичик ва ўрта тадбиркорлик асослари, бу борадаги ислоҳотлар ва уларнинг амалий фаолиятига кўмаклашиш;

2) Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши учун уларга барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, хусусан, ҳуқуқий асосларини белгилаб бериш;

3) Иқтисодий инқирозлар юз берган тақдирда тадбиркорлик субъектларига зарар етказмаслик чора-тадбирларини кўриш;

4) Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг маблағларини кўпайтириш бўйича чоралар кўриш ва ҳоказо.

Шунингдек, қонунда маҳаллий тузилмаларнинг ҳам мажбуриятлари ўз аксини топган. Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, маҳаллий тузилмалар ўзларига юклатилган ваколатлари доирасида маҳаллий тузилмалардаги табиий, иқтисодий, ижтимоий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда кичик ва ўрта тадбиркорлик бўйича сиёсатни белгилайди ва амалга оширади.

Қонунда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг зиммасига бир қатор вазифалар ҳам юклатилган. Хусусан, қонуннинг 7-моддасида белгиланишича, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ўз корхоналарининг имконият ва куч-қувватини оширишга ҳаракат қилиши, кутилмаган иқтисодий ўзгаришларга ҳамда ижтимоий вазиятларга мослаша олиши;

– Ўз фаолиятларини юритишда бошқа тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик олиб бориши ва биргаликда иш юритишга ҳаракат қилиши;

– Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ҳисобланмаган, бироқ кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган шахслар кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасига тааллуқли сиёсатни юргизаётган давлат идоралари ва маҳаллий тузилмалар билан ҳамкорликда иш юритиши ва ҳоказо.

Қонунда тадбиркорларнинг давлат томонидан муҳофаза қилинишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, қонуннинг 8-моддасида кўрсатилишича, ўз корхоналарини юритишда иқтисодий қийинчилик ва маблағ тақчиллигига дучор бўлган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, уларнинг молиявий ҳамда солиқ соҳасидаги муаммоларини ҳал қилиш чораларини кўриши лозим. Бундан ташқари, кичик ва ўрта тадбиркорликнинг равнақ топиши йўлида давлатнинг тегишли қонунчилик, молиявий ва кредит чораларини кўриши даркорлиги ҳам қонунда ўз аксини топган.

Шу ўринда кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасидаги давлат сиёсатига тўхталадиган бўлсак, қонунда давлат сиёсатининг қуйидаги кўринишлари белгилаб қўйилган:

1. Кичик ва ўрта тадбиркорлик соҳасининг ислоҳ қилинишида давлатнинг кўмаклашиши;

а) Кичик ва ўрта тадбиркорлик ислоҳотида давлатнинг кўмаклашиши;

б) Янги товарлар ва хизматлар учун технологияларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда тадбиқ этилишига кўмаклашиш;

в) Ишлаб чиқариш ва товар савдосининг самарадорлигини ошириш мақсадида янги жиҳозларни киритишга кўмаклашиш;

г) Корхонани бошқаришда янги услубларни тадбиқ қилишга кўмаклашиш.

2. Давлатнинг кичик ва ўрта корхоналарнинг ташкил этилишига кўмаклашиши.

Давлат кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига мунтазам равишда кўмаклашиб бориши ва кадрлар тайёрлаш амалиётини такомиллаштириб бориш чора-тадбирларини кўриши зарур.

2. Давлатнинг кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг ижодий фаолиятига кўмаклашиши;

а) Аҳамияти жиҳатидан ишлаб чиқариш ва товар савдосида янгилик ҳисобланган технологияларнинг ишлаб чиқилиши ва тадбиқ этилишига кўмаклашиш;

б) Кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарида ижодий фаолият билан шуғулланадиган кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш.

3. Корхоналарни зарур маблағлар билан таъминлашда давлат қуйидаги сиёсатни амалга оширади:

а) Корхонани маблағ ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш ва такомиллаштиришда кўмаклашиш;

б) Кичик ва ўрта корхоналарга технологиялар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

в) Технолог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга кўмаклашиш ва ҳоказолар.

4. Ўзаро ҳамкорлик ва алмашув фаолиятига кўмаклашиш борасида давлат қуйидаги чора-тадбирларни кўради:

а) Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлик қилишлари ва тажриба алмашишларига кўмаклашиш;

б) Қўшма корхоналарни такомиллаштириш ва улар фаолиятини рағбатлантириш.

5. Давлат буюртмасини қабул қилиш имкониятларини кенгайтириш

Давлат кичик ва ўрта тадбиркорларнинг буюртмаларининг имкониятларини кенгайтириш бўйича сиёсатни ҳам амалга оширади.

Кўриниб турибдики, Японияда мамлакат аҳолисининг зарур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондириш мақсадида, энг аввало, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, қонунда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг янада тараққий этиши учун барча имкониятлар белгилаб берилган. Уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва муҳофаза этилишининг ҳуқуқий асослари белгиланганлиги ҳам фикримизга яққол далилидир.

Хулоса ўрнида шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Японияда ҳозирги пайтда ҳам кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг ривожланишининг ҳуқуқий асослари узлуксиз такомиллаштириб борилмоқда.

Акмал БУРҲОНОВ,
магистр

Luqma

КИМ ҲАҚУ, КИМ НОҲАҚ?..

Гапнинг лўндасини айтганда, андижонлик фуқаро Анорхон Шаробиддинова икки йилдан буён тинчини йўқотган. Унинг Андижон шаҳри, 2-тор «Эски Ўш» кўчасидаги 1-хонадонда 2000 йил сентябр ойида ўғирлик содир этилган.

— Уйимда ижарада яшаётган Пахтаобод тумани, Сайроабод маҳалласида яшовчи Зиёрат Аҳмадалиев ва "Гулистон" маҳалласида яшовчи Санжар Эргашев уйда йўқлигимни била туриб, илгариги огоҳлантиришимга қарамасдан алоҳида хонада бўлган мулкларимни яширин равишда ўғирлаб олиб чиқиб кетишган. Бу ҳолатлар жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан тўлиқ исботланади. Ўғирлик содир этилгач, дадам милиция идорасига мурожаат этган. Лекин Андижон шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмаган. Бу жиноий иш ҳаракатсиз қолиб кетган", — деб ёзади А.Шаробиддинова ўзининг шикоят хатида. Шундан буён орадан ўтган икки йилдан ортиқ вақт давомида Анорхон опа кўмак сўраб, бир қатор мутасадди идораларга мурожаат этди.

Эндиликда унинг қўлида бир даста жавоб хатлари тўпланган.

Мана улардан бири: "Уйда содир этилган ўғирлик ҳолатига бефарқ муносабатда бўлганликлари учун Андижон шаҳар ички ишлар бўлими 1-милиция бўлинмаси бошлиқ ўринбосари, милиция капитани Назаров Ҳотамжонга "қаттиқ ҳайфсан", милиция участка вакили, милиция майори Козимжон Қорёғдиевга "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилди. Жиноят юзасидан сифатли тергов ҳаракатларини олиб бориш учун шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчисига ёзма кўрсатмалар берилди", — деб ёзади 2001 йил 10 июнда Андижон шаҳрининг ўша вақтдаги прокурори М.Қурбонов.

Орадан олти ой ўтгач, 2001 йил 9 декабр куни вилоят ички ишлар бошқармасидан ёзилган жавобда шундай дейилади: "Аризангизда кўрсатилган ҳолатларни текшириш давомида уйингизда содир этилган ўғирлик факти юзасидан Андижон шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси К.Шаҳобуддинов томонидан қўзғатилган 1401-2000-1081 сонли жиноят иши бўйича тергов ўтказиш давомида йўл қўйган хато ва камчиликлари учун вилоят ИИБ тергов бошқармаси томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, унга нисбатан "танбеҳ" эълон қилиниб, тергов ҳаракатларини олиб борилиши ҳамда тергов бошқармаси томонидан берилган ёзма кўрсатмани бажарилиши устидан назорат ўрнатилди".

Анора опанинг кўнглига ёруғлик солган, ўғрининг топилишига умид уйғотган жавоблардан яна бирида шундай сатрлар битилган: «Сизга шуни маълум қиламизки, ушбу жиноят иши юзасидан барча тергов ҳаракатлари олиб борилиши Ички Ишлар вазирлигининг Тергов Бош Бошқармаси томонидан назоратга олинди.

Жиноят иши бўйича олиб борилган тергов ишлари ҳақида Сизга қўшимча равишда маълум қилинади.

Бошқарма бошлиғи А. Баҳромов».

Мана яна бир жавоб:

"Аризангизга асосан уйингизда содир бўлган ўғирлик ҳолати юзасидан қўзғатилган 1401-2000-1081 сонли жиноят иши Ички Ишлар вазирлиги тергов бош бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди ва Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бўлими раҳбарларига ушбу жиноятни содир қилган шахсларни аниқлаш ва жиноятни очишга қаратилган ишларни жадаллаштириш ҳақида кўрсатма берилди. Текширув натижалари ҳақида Сизга қўшимча равишда маълум қилинади.

Бошқарма бошлиғи М.Каримов".

Нуфузли идоралардан олинган жавоблардан сўнг ўғрилар топилиши муқаррардек кўринади. Бўлмаса-чи, биз уларга ишонамиз. Анорхон опа ҳам ишонганди. Ишонмаганда ҳам ўғирлик исботланганми ёки исботланмагани ҳақида жўялироқ жавоб кутганди. Лекин шу йилнинг 21 январ куни Андижон шаҳар ички ишлар бўлими тергов бўлими катта терговчиси О.Шокировдан шундай жавоб олди: "Сизнинг аризангиз асосида қўзғатилган 401-2000-1081-сонли жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, ЖПКнинг 364-модда 1-бандига асосан вақтинча ҳаракатдан тўхтатилганини маълум қиламан".

Бу жавобни ўқиб, қуйидаги мулоҳазага келдик. Албатта, бу жавобнинг қонунийлигига шубҳа йўқ. Лекин ўғри қаёқда қолди?! У ёзишмалар гирдобида йўқолиб кетмадимикин?!

Хулоса чиқаришни ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддиларига ҳавола этишни маъқул топдик.

Илҳомжон ЭҒАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ҚАРОВСИЗ МАКТАБ

Diqqat, muammo!

Чияли нафақат Чироқчи туманида, балки Қашқадарё вилоятида йирик ширкат хўжаликларидан бири саналади. Бу ерда 50 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Хўжалик лалми ғалласи ва бозори билан довруғ таратган. Чияли бозорида тайёрланадиган яхна гўшт, новвот, ҳолва каби қандолатчилик маҳсулотлари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Наврўз айёми арафасида Чияли бозорларининг сони яна биттага кўпайди. Бу яхши, албатта. Бироқ Чияли хўжалигининг Тўхмор қишлоғидаги Тоғай Мусурмонов номидаги 92-сонли ўрта мактабнинг аҳволини кўриб, афсусланмасликнинг иложи йўқ.

Чунки 1305 нафар ўқувчи ўқийдиган, 50 нафардан ортиқ ўқитувчи ишлайдиган мактабнинг эски биноси бундан анча йил бурун ҳашар йўли билан қурилган бўлиб, ҳозирда мутлақо яроқсиз аҳволга келган. Шундан сўнг бошланган 844 ўринли янги мактаб биноси қурилиши (асосий бинонинг битта корпуси) орадан бир йил ўтгач, тақа-тақ тўхтаб қолган. Шундан бери бинонинг иккинчи қавати чала-чарти ҳолда турибди. Мактаб қурилишини тугатишга ёрдам сўраб турли идораларга мурожаат этишдан чарчаган ота-оналар ва муаллимлар ўтган йили ўзаро пул йиғишиб, бинонинг биринчи қаватига эшигу ромлар ўрнатишди. Айни кезларда болалар шу ерда ўқишмоқда. Энг ачинарли жойи шундаки, дарс соатлари 45 минут эмас, 30 минутдан иборат. Эрталаб соат 8 да бошланадиган дарс узлуксиз давом этиб, кечқурун соат 5,20 да тугайди. Шу ўринда, табиий бир савол туғилади: шундай шароитда мактабда тўлиқ дарс ўтилаяпти, деб кимни ишонтириш мумкин? Ҳозирда янги мактаб қурилишидан деярли умид узган муаллимлар ҳеч бўлмаганда томи битмай қолиб кетган бинони ишга тушириб беришса ҳам кошки эди, деган орзу-ният билан яшашмоқда.

Уларнинг таъкидлашича, битмай қолган бино "Чияли" ширкат хўжалигининг ҳисобида туради. Бироқ хўжалик неча йилдан буён бино қурилишини тугатмайди ҳам, бошқа бирор ташкилотга бермайди ҳам. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтишни лозим топдик: ўтган йили хўжалик ғалладан яхши ҳосил олган. Ундан олинган даромаднинг бир қисмини айнан шу мактаб томини ёпишга сарфласа бўлмайдими? Бу йўл-йўлакай айтилган таклиф, албатта. Лекин нима бўлганда ҳам хўжалик раҳбарияти ўқувчи ва ота-оналарнинг кўзига қандай қарайди? Ахир, донгдор хўжаликда шундай аянчли аҳволнинг мавжудлиги уят эмасми? Зеро, бу ҳол бамисоли гўзал чеҳрага тушган доққа ўхшайди. Ўйлаймизки, мутасаддилар бу масалани ўрганиб чиқишади ва унинг оқилона ечимини топишади.

Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mitti maslahat

ИШ ҲАҚИДАН ҚАЧОН УШЛАБ ҚОЛИНАДИ?

Конституциямиз ва меҳнат қонунчилигимизга мувофиқ ҳар бир ишлаётган ходим иш ҳақи олиш ва қонун билан кафолатланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бироқ ҳозирги вақтда айрим жойларда ходимларнинг ўз ҳуқуқларини билмасликлари оқибатида раҳбарлар томонидан уларнинг иш ҳақларидан қонунга хилоф равишда ушлаб қолиш ҳоллари учрамоқда. Хўш, қандай ҳолатда ходимларнинг иш ҳақидан маълум миқдорда ушлаб қолинади?

Меҳнат Кодексининг 164-моддасига мувофиқ ходимнинг ёзма розилиги ёки бундай розилик бўлмаган тақдирда суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

мамлакатимизда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш ва суднинг қарорлари ҳамда бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш, иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойга ишга ўтгани муносабати билан берилиб, сарфланмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш, ҳисоб-китобдаги янглишилган хатолар натижасида ортиқча тўланган маблағни қайтариб олиш мумкин. Ходимнинг хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёхуд бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган авансни ушлаб қолиниши асоссиз ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобланса, у ҳолда қарз суд тартибида ундирилади. Ўз ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда ва ана шу кунлар учун ҳақ меҳнат шартномаси Меҳнат Кодексининг 89-моддаси тўртинчи қисми, 100-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2 бандларида кўрсатилган асосларга кўра, ўқишга киргани ёки нафақага чиққанлиги муносабати билан бекор қилинганда иш ҳақидан ушлаб қолинмайди. Ишчи ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун Меҳнат Кодексининг 181-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган жаримани ундириш мумкин.

Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

Миркомил ҚУЛМАТОВ,
Рустамхон АБУЛХАЙРОВ

Taqdir tarixi

JIMMY CARTER: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КУРАШЧИСИ

Дунё миқёсида тинчликни сақлаш борасидаги хизматлари учун Нобел мукофотига сазовор бўлган президентлардан бири Жимми Картердир. АҚШнинг Жоржия штатидаги Плейнс шаҳарчасида истиқомат қилган Жеймс Эрп ва Лилли Картерларнинг тўнғич фарзанди Жимми 1924 йилнинг 1 октябр куни дунёга келди. Оила бошлиғи асосан деҳқончилик орқасидан рўзғор тебратар, уй бекаси Лилли хоним эса дастлаб болалар тарбияси, кейинчалик давлат ишлари билан машғул бўлиб, тинчлик корпусининг вакили сифатида икки йилга яқин Ҳиндистонда ишлади. Жимми тўрт ёшга тўлганида уларнинг оиласи ер олиб, деҳқончилик ишларини кенгайтириш мақсадида Арчери деган қишлоққа кўчишди. Бу ерда Картерлар ерёнғоқ етиштиришни йўлга қўйишди. Ҳайратланарли жойи шундаки, беш ёшли болакай Жимми кўчаларда ерёнғоқ сотиб, ҳар куни беш доллар миқдорда оилавий бюджетга даромад келтиради. Жимми дастлаб Плейнсдаги ўрта мактабларнинг бирида савод чиқаради. Мактабда унинг энг яхши кўрган фанлари тарих, адабиёт ва ашула эди. Шунингдек, у баскетболга ашаддий ишқибозлик қиларди. Лекин Жимми математика фанини жуда ёмон кўрарди. Шундай бўлса-да, у синфдаги тиришқоқ ва билимли ўқувчилардан бири эди. У 1941 йили мактабни тугатгач, электрэнергетика йўналиши бўйича Жоржия штатидаги коллежга ўқишга кирди. Орадан икки йил ўтгач, Картер Аннаполис ҳарбий-денгиз академиясини талабаси бўлди. Академияни битириш арафасида, Розали Смит исмли қиз билан турмуш қурди. Эру-хотин Картерлар Жон, Жеймс, Доннел, Жефрей исмли фарзандларни тарбиялаб, уларни уйли-жойли қилишди. Тўйдан кейин бир неча йил мобайнида Картер турли ташкилотларда муҳандис бўлиб ишлади.

1953 йилда кутилмаганда отасининг бевақт ўлими уни фермерлик билан шуғулланишга мажбур этди. Хотининг қаршилигига қарамасдан отасининг ишини давом эттириш учун Жимми киндик қони тўкилган шаҳарга кўчиб кетишга қарор қилди.

Жимми Картерга хос фазилатлардан бири шу эдики, у барчага бирдек самимий муносабатда бўлар, бошлаган ҳар бир ишини охирига етказар эди. Бундан ташқари, у доимо "нимага энди энг яхшиси эмас?" — деган шиорга амал қилган. Бу эса унинг изланувчанлигидан далолатдир. Ана шундай ажойиб фазилатлари эвазига Картер 1962 йилги сайловда Жоржия штати сенатори бўлишга муваффақ бўлди. Икки муддатдаги фаолияти давомида Картер асосий эътиборни инсон ҳуқуқлари масаласига қаратди. Чунки бу пайтда Америкада қора танли фуқаролар ҳуқуқини чеклаш, камситиш авжига чиққан эди. Сенатор сифатида Картернинг амалга оширган энг катта хизмати шу бўлдики, у оқ танли аҳоли сингари қора танлиларга ҳам билим олиш, касб-ҳунар ўрганиш учун тенг ҳуқуқий имконият яратиб берди. Натижада демократлар инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси сифатида 1970 йили Жоржия штати губернаторлигига унинг номзодини кўрсатишди. Сайлов олдидан Картер сайловчилар олдида кўплаб маърузалар ўқиди. Бу эса унинг сайловда икки юз минг нафардан ортиқ овоз олиши ва губернаторликка сайланишида ғоят катта ёрдам берди. 1971 йилдан бошлаб губернаторлик вазифасини бажаришга киришган Картер сайловчиларга "Мен сизга шуни ишонтириб айтаманки, бундан кейин қашшоқлик, тенгсизлик, камситиш, аҳолининг келиб чиқиши ёки ижтимоий мавқеига қараб муносабатда бўлиш тугайди. Ҳар бир фуқаро оқ ёхуд қора танли бўлишидан қатъи назар, ўқиш, меҳнат қилиш ва юқори лавозимларда ишлашда тенг ҳуқуқлидир", дея ваъда берди. Хусусан, унинг даврида қора танли аҳолининг 53 фоизи уй билан таъминланди, мактабларда бир хил шароит яратилди. Эътиборли жиҳати шундаки, ўша пайтда Картернинг таклифи билан қора танли фуқаролар тарихини эслатиб турувчи махсус музей ҳам ташкил этилган. Шу каби саъй-ҳаракатлари туфайли қисқа фурсат ичида Жимми Картер кўпчиликнинг назарига тушди.

1974 йилда ҳокимлик вазифасини топширган Картернинг номзоди президентликка тавсия этилди. Сайловолди ташвиқотлар жараёнида Картер рақиби Жералд Форд сиёсатини қоралаб, унинг ишсизлик муаммосини ҳал эта олмаганини таъкидлайди. Шунингдек, Картер сайлов олдидан аҳолига Вьетнам уруши оқибатида мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган фуқароларни мамлакатга олиб келиш, федерал ҳукуматни қайта ислоҳ қилиш ҳамда энергия соҳасида муҳим ислоҳотлар ўтказишни ваъда беради. Ўзининг ана шундай танқидий чиқишлари билан Жимми Картер миллион нафардан ортиқ сайловчилар ишончини қозониб, ўзи орзу қилган мақсадига эришди. Картернинг сайловда Форд устидан ғалаба қозонишида собиқ президент Ричард Никсон даврида юз берган "Уотергейт иши" ҳам маълум маънода ёрдам беради десак, хато бўлмайди. Чунки ана шу сиёсий инқироз сабабли Америка халқининг ҳукуматга, айниқса, республикачиларга нисбатан бўлган ишонч-умиди пасайган эди.

Шу ўринда "Уотергейт иши" деб аталган сиёсий инқироз қандай юз берганига изоҳ берадиган бўлсак, 1972 йил сайлов компанияси пайтида Никсонни президентликка сайлаш қўмитаси билан боғлиқ бир гуруҳ шахслар демократик партия штаб-квартираси жойлашган Вашингтондаги "Уотергейт" меҳмонхонасида яширин эшитиш қурилмасини ўрнатаётганида қўлга тушишди. Ушбу жиноят изи «Оқ уй»га келиб тақалди. Шундан сўнг халқ орасида ҳукуматга нисбатан ишонч йўқолиб, президент Никсон муддатидан аввал истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Ўшанда халқ Никсонга нисбатан ҳуқуқий чора қўллашни талаб қилди. Бироқ президентлик вазифасини бажаришга киришган вице-президент Форд бунга йўл қўймади. Шу боисдан ҳам кўпчилик навбатдаги сайлов пайтида Фордга қарши овоз берди.

Сайловда ғалаба қозонган Жимми Картер президентликка қасамёд қабул қилиш маросимида Америка халқига шундай мазмунда мурожаат этди: "Ҳар бир президент мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги ва тинч-тотувлиги учун жавоб бериши лозим. Бугун Америка халқи эртанги кунининг бундан-да фаровон бўлишини биз каби раҳбарлардан кутиб турибди. Шундай экан, ана шу юксак ишончни оқлаш йўлида тинмай меҳнат қилиш барчанинг ҳаёт мазмунига айланиши даркор".

Ҳақиқатдан ҳам, Президент Картер даврида мамлакат ички ҳаёти муайян даражада ижобий томонга ўзгарди. Шундай бўлса-да, мамлакатда кўп ўтмай яна ишсизлар сони ортиб кетиб, ишлаб чиқариш суръати пасайди. Шу боис кўпчилик сиёсатчилар Картернни ички сиёсатда эмас, балки ташқи сиёсатда муваффақият қозонган президентлар сирасига киритишади. Жумладан, унинг президентлик даврида икки муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа юз берди. Улардан бири Панама давлати билан ҳамкорлик шартномаси имзоланган бўлса, иккинчиси Миср ва Исроил ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган урушнинг ўз вақтида олди олинди.

Панама давлати билан тузилган шартномага биноан ўша пайтгача АҚШ тасарруфида бўлган Панама канали ўз эгасига қайтарилди. Исроил ва Миср давлатлари ўртасида зиддият юзага келганда уни дипломатик йўл билан ҳал этиш мақсадида Исроил бош вазири ва Миср президентини Кемп-Девид қароргоҳига чақирди. Бу ерда 13 кун давом этган ўзаро музокаралар натижасида, икки давлат ўртасида "Тинчлик ва ҳамкорлик" шартномаси 1978 йил имзоланади. 1980 йилда бўлиб ўтган сайловда республикачи Роналд Рейген 44 миллион нафардан сайловчи овоз тўплаб, Картер устидан ғалаба қозонди. Шунда Картер оиласи билан она шаҳри Плейнсга кўчиб келди ва бу ерда бадиий ижод билан шуғуллана бошлади. Хусусан, у "Президентлар хотираси", "Линколннинг қони", "Ҳаётда энг яхши натижа учун яшанг" каби китобларини нашр эттирди. Ўтган йили эса 78 ёшли Жимми Картер дунёда тинчликни сақлаш борасида амалга оширган улкан хизматлари учун Нобел мукофоти билан тақдирланди. Бу нафақат Америка, балки дунё аҳлининг Картерга бўлган юксак ҳурмат-эътиборининг рамзий ифодасидир. Зеро, у доим инсон ҳақ-ҳуқуқларини эъзозлаш ғоясини илгари сурди ва бу йўлда қўлидан келган ҳамма ишни астойдил бажарди.

Ҳусан ТУРСУНОВ,
Бекзод ЁҚУБОВ

Jinoyat va jazo

ЁВЛАШГАН ҚУЁВ

Турмуш ўртоғи Дониёрнинг ичкиликка ружу қўйиши оқибатида бўладиган кунора можаролар Холидани ниҳоятда ҳолдан тойдирди. Ўтган йилнинг 10 октябр куни тинка мадори қуриган Холиданинг қўли бирор ишга бормади. У бошини чангаллаганча адоқсиз хаёллар оғушида қолди.

Бу пайтда кечаги ичкиликбозликдан боши айланган Дониёр бозор атрофида гандираклаб, ўзига улфат қидирарди. Шерик тополмагач, шу ердаги дўконга кириб, 200 грамм ароқ олиб ичди.

Хаёл суриб ўтирган Холидани эшик қўнғироғининг қаттиқ жиринглаши чўчитиб юборди. У шошиб эшикни очганда, остонада онаси Турсуной хола ва укаси Абдурашидни кўрди. Уларнинг ташрифи Холидани шодлантириб юборган бўлса-да, Турсуной хола қизининг тушкун кайфиятини дарҳол сезди. Пайтини топиб қизини аста сўроққа тутди.

— Нима бўлди, тинчликми, қизим?

— Куёвингизнинг доимий жанжалларидан тўйиб кетдим. Ҳар куни ичиб келиб, арзимаган баҳоналар топиб, мен билан жанжал бошлайди. Унинг дастидан кўни-қўшниларга ҳам тинчлик йўқ.

— Агар яна шу ҳол такрорланса, Дониёрнинг қариндошларини ва маҳалла оқсоқолларини чақир. Улар муҳомака қилиб уялтиришса, зора инсофга келар.

Худди шу пайт уйга аранг оёғида турган Дониёр кириб келди ва меҳмонлар билан қуюқ ҳол-аҳвол сўрашди. Бироздан кейин эса яна эски гапларни кўзғашга тушди. Бундан 5 йил олдин кўп пулимни сарфлаб юбординг, деган баҳона билан Холидани ҳақорат қила бошлади. Уларнинг жанжалига Абдурашид аралашиб, поччасини тинчлантирмоқчи бўлди. Бироқ жанжал янада кучайди.

Шунда Турсуной хола Абдурашидни Дониёрнинг акаси ва маҳалла оқсоқолини айтиб келишга юборади. Бундан ғазабланган Дониёр яшириб қўйган ов пичоғини қўлига олиб қайнонасининг бўйнига шаҳд билан урди. Бу ҳолни кўрган Холида онасини ҳимоя қилиш мақсадида эрининг қўлига ёпишди. Бироқ кўзи қонга тўлган Дониёр хотинини ҳам кўкрак қисмига 6 маротаба пичоқ санчди. Шундан сўнг қўлидаги пичоқни ерга ташлаб, ташқарига қочиб кетди.

Шу тариқа Турсуной Жумаева ўша заҳоти, Холида Убайдуллаева эса орадан бир ҳафта ўтгач, Дўстлик туман касалхонасида вафот этди.

Хотини ва қайнонасининг қотилига айланган Дониёр Убайдуллаевнинг қабиҳ қилмиши яқинда жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судида кўриб чиқилди. Суд қотил қуёвни Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми "а" ва "ж" бандлари билан айбдор деб топиб, унга узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Суд мажлисида Дониёр қилмишига ичкилик сабаб бўлганини айтди. Лекин ичкилик ичишни унга ҳеч ким мажбур қилмагандику? Шунингдек, Дониёрнинг қариндош уруғлари, кўни-қўшнилари, маҳалла аҳли ҳам уни тартибга чақиришмаган. Чунки уларнинг кўз ўнгида Дониёр кунора масталаст ҳолда юрган. Фожеани келтириб чиқарган омиллардан бири лоқайдлик эмасмикин? Ўйлаймизки, бу каби саволлар кўпчиликни қизиқтиради. Зеро, бўлиб ўтган фожеани таҳлил қилиш ва ундан тегишли хулоса чиқариш лозим.

Гулмира СУЮНОВА,
журналист



«Фасли навбаҳор ўлди...»

Ушбу сондаги суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

НОШУД "ВОСИТАЧИ"

Qilmish-qidirmish

Фирибгарлик, товламачилик ҳолатларини кўпинча киноларда кўриб, детектив асарларда ўқиганимиз учун бундай воқеалар кўнгилочар ҳолатдек таассурот қолдирган. Аммо ҳаётда шундай воқеа билан юзма-юз келсак, унинг кулгули эмаслигига амин бўламиз.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган "қаҳрамонимиз" ҳам кимсан, фалон-фалон обрўли идораларда ишлаб келган, кийимининг чангини ҳам бировлар қоқиб қўядиган даражадаги обрўталаб ва нозиктаъбликка даъвогар нусха.

— Ака, опамнинг долларини қайтарсангиз, — деди у босиқлик билан

— Қанақа доллар! — дея сир бермади адвокат. — Жазо муддатингни камайтирган, амнистияга туширган бўлсам... жиноят ишингни "босди-босди" қилиш учун қанча-қанча "катта"ларнинг кўнглини олдим, керак бўлса, ялиндим. Буларнинг ҳаммаси қуруққа бўлгани йўқ.

— Раҳмат. Лекин сиз ваъда бўйича суд залидан чиқариб юбораман, деган эдингиз. Айтганингиз бўлмади-ку?

— Ҳов, менга қара, аралашмаганимда, қамоқда сасиб ўтардинг. Энди раҳмат ўрнига туҳмат қиляпсан! Мен ҳеч кимдан ҳеч қанақа пул олмаганман. Бор, билганингни қил! Тамом-вассалом!

— Ака, шундайми? — дея Ғолиб "ғилт" этиб ютинди. — Лекин кейин хафа бўлманг-да! Далиллар борлигини сизга айтиб қўяй, дедим.

Мансур қараса, жанжал жиддий тус олаяпти. Сал талмовсиради.

— Бўпти, бўпти, кўп қўрқитаверма. У ёшдан ўтганман. Пул олган бўлсам ҳам буни исботлай олмайсан. Мен бу пулларни берганман. Ҳаммасини сенинг қутулишинг учун қилганман...

Гап шундаки, 2000 йилнинг 5 сентябрида Ғолибнинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, Самарқанд шаҳар прокурори қарори билан (қаҳрамонларнинг исми ўзгартирилган) ҳибсга олинган эди. Ўша пайтда унинг поччасининг акаси Мансур адвокат бўлиб ишлар эди. У Голибни фақат пул билан «олиб қолиш» мумкин эканлигини айтиб, унинг қариндошларидан катта миқдордаги маблағни осонгина санаб олади. Бу орада Ғолиб суд ҳукми билан олти йилга озодликдан маҳрум этилади. Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармони шарофати билан жазодан муддатидан олдин озод этилади. Аммо унинг кўнглида Мансурга нисбатан алам тугилиб қолган эди. Шу боис у озодликка чиққач, қутқараман, деб пулни туя қилган "халоскори" Мансурни излаб топади.

Шуларни алам билан хаёлдан кечираркан, Ғолиб Мансур осонликча жон бермаслигини сезиб, аввалдан иккаласи ўртасида бўлган суҳбатни магнит лентасига ёзиб олган эди. У ана шу кассетани тегишли ҳуқуқ-тартибот идорасига топширди. Сир фош бўлди. Кўза кунда эмас, кунида синишини Мансур шунда билди. Пешонасини реза-реза тер босди. Аммо энди ғишт қолипдан кўчган эди...

Самарқанд шаҳар Боғишамол туман суди томонидан кўрилган жиноий ишда Мансурнинг айби тўлиқ ўз исботини топди. У амалдаги қонунчиликка кўра тегишли жазога тортилди.

Тимсоҳ ўзидан катта ўлжани ютаётганда оғрикдан кўз ёш тўкади. Судда Мансур ҳам ўзини тутолмади — кўзларидан дувиллаб ёш келаверди. Нимага дейсизми? Ахир, ўлжа катта эди-да!

Шокир ЭРГАШЕВ,
журналист

Charxi kajraftor

ҚАҲРИ ҚАТТИҚ БОҒБОН

Германияда полиция 23 ёшли фуқарога типратиканлар оиласига нисбатан ўта ёвуз муносабатда бўлгани учун жарима солди. Маълум бўлишича, айбланувчи томорқасини типратиканлар пайҳон қилгани учун жаҳл устида 5 та типратиканни қилич билан чопиб ташлаган. Жиноятчи суд мажлисида типратиканларни қандай ўлдирганини оқизмай-томизмай айтиб берди. Суд айбланувчини 400 евро миқдоридаги жарима билан жазолади. Қотиллик қуроли бўлган самурайча қилич эса мусодара қилинди ва энди у эгасига қайтариб берилмайди.

"РАШКИМ МЕНИНГ БАЛОДИР..."

Москвадаги тиш даволаш поликлиникаларида ишловчи ходимлардан бирининг эри хотинини рашк қилиб, унинг ишхонасида катта жанжал кўтарди. У аввалига эшик ичидан қулфланганини кўриб шубҳаланди ва эшикни бузиб ичкарига кирди. Аксига олиб, хонада унинг хотини йўқ экан. Шундан сўнг кутурган безори хонадаги столларни улоқтириб ташлади, сўнгра компьютер ва телефон аппаратларини синдира бошлади. Қўрқувга тушган дўхтирлар қутқарув хизматини чақиришга қарор қилишди. Қутқарувчилар оператори телефон гўшагини безорига беришларини сўради, бироқ "Отелло" гўшакни олмади, аксинча «бевафо» хотинини дўппослай кетди.

Тез фурсатда етиб келган милиция ходимлари безорини ҳибсга олди. Унинг хотинига тиббий ёрдам кўрсатилди. Қўлга олинганга нисбатан эса жиноий иш қўзғатилди.

Хуршида ЧОРШАНБИЕВА тайёрлади.

НАФС "ВАКОЛАТИ"...

Noinsoflik

Мамлакатимизда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада маҳалла қўмиталарига кўплаб масъулиятли вазифа ва ваколатлар юкланган. Хусусан, вояга етмаган болалар ҳамда икки ёшгача бўлган гўдакларга нафақа пули тайинлаш ҳамда уларни тўлаш маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини ходимлари зиммасида. Яқинда Каттақўрғон туманидаги ўн саккизта маҳаллада ана шу ишлар қандай бажарилаётгани ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида маҳалла раислари ва уларнинг котибларининг нафақа тайинлаш ҳақидаги белгиланган қонун-қоидаларни қўпол равишда бузишгани аниқланди. Маълум бўлишича, маҳалла раислари ҳамда уларнинг котиблари ўзларига берилган ваколатларни нафс измига бўйсундиришган. Улар сохта ҳужжат асосида нафақа пулларини ўзлаштиришган.

Масалан, тумандаги "Бўстон" жамоа хўжалигидаги "Уйжум" маҳалла фуқаролар йиғини маҳалла оқсоқоли О.Баҳриддинов ва унинг котиби М.Хушвақтов Мақсуда Қодировага 12 минг сўм, Зебинисо Йўлдошевага 4.5 минг сўм, Соҳиба Наимовага 10,5 минг сўм нотўғри нафақа тайинлаган. Бошқача айтганда, уларнинг қарамоғидаги фарзандлари аллақачон ўн олти ёшга тўлган бўлишига қарамай, сохта ҳужжат асосида яна нафақа тўлашган. Албатта, бундай сохтагарчилик бежизга эмас, балки тенг шериклик асосида қилинган. Текшириш жараёнида маҳалла оқсоқоллари ва котибларнинг бошқа қинғир ишлари ҳам фош бўлди. Нафс балосига гирифтор бўлган айрим маҳалла мутасаддилари "ўзлари хон, қўланкаси майдон" қабилида иш тутишган. "Шўрак" маҳалла фуқаролар йиғини раси Р. Қўлдошев ва котиби О.Худоёров ўзига тўқ, даромади яхши бўлган Мунаввар Ҳайитова, Ҳамро Ҳамдамов, Бахтиёр Суюнов, Жўрақул Қиличев каби фуқароларга ноқонуний нафақа тайинлаб, улар билан шерикчилик асосида давлат мулкини талон-тарож қилишган. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Президентимиз томонидан 2003 йил "Обод маҳалла йили" деб аталди ва маҳаллага кенг ҳуқуқлар берилди. Шу боис ҳозирда маҳалла оқсоқолларининг нуфузи баланд. Чунки маҳалла оқсоқоли шу ерда истиқомат қилувчи фуқароларнинг аҳволини яхши билади. Одамлар ҳам маҳалла раисига ишонишади. Бироқ ўзига билдирилган ишончни оёқости қилиб, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар бир четда қолиб, баён этилгани сингари қонунбузарликлар билан шуғулланган маҳалла оқсоқолларини ким деб аташ мумкин? Улар маҳалла шаънига доғ туширишмаяптими? Етим-есирлар, кам таъминланган оилалар ва болаларнинг ҳақига хиёнат қилган бундай кимсалар эртага уларнинг кўзига қандай қарашади?

Албатта, давлат томонидан бериладиган нафақаларни ўзлаштирган маҳаллаларнинг оқсоқол ва котиблари қонун олдида қилмишларига яраша жавоб беришади. Зеро, қонун ҳеч қачон нафсга ваколат бермайди.

Суръат ҲАЙДАРОВ,
ҳуқуқшунос
Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ҳолли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вакти — 21.00 Топширилди — 21.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50